O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 1-sentabr, chorshanba № 69 (8302) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз.

Ислом КАРИМОВ

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини баланд руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу қутлуғ айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида халқимиз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, холисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини аввало шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намоён этмоқда.

Охирги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.


Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 каррага кўпаяди.

Яна бир рақам — Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

(Давоми 2-бетда.)

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди



Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчаларни юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш — буюк саодат.

Мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз айёми – мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам қалбларимизга чексиз фахр-ифтихор, кўнгилларимизга сурур бахш этади. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий кун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.

Жорий йилда ушбу қутлуғ байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб **«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, авваламбор, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг яна бир амалий ифодасидир.

2010 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи янада гўзаллик, ўзгача тароват касб этган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихан қисқа даврда босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимиз давомида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

"КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО" МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ — 4-бет

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ — 4-бет

МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДА БУЮК КЕЛАЖАККА ИНТИЛИБ ЯШАШ ТУЙҒУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН ИБОРАТ — 5-бет

БАХТИН КЎРИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАСИНИНГ — 8–9-бетлар

БУ МУҚАДДАС

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз бу ютуқлардан ғурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир.

Қадрли юртдошларим!

Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

Биринчидан, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

Иккинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга қўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай орзу-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу муҳташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзуниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилакларимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, аввалambор, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ўзбекистон». Муаззам саҳнадан таралаётган бу қўшиқ гўзал қиру адирларимизда, далаю даштларимизда, пурвиқор тоғларимизда, файзли қишлоқларимизда, мафтункор шаҳарларимизда акс-садо беради. Бу ашула гўё барчамизнинг қалбимиздан чиқаётгандек. Ҳа, киндик қонимиз томган ота маконимиз, жонажон Ватанни васф этувчи тароналар юракларни жунбушга келтиради, кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди, эзгуликка ундайди, бунёдкорликка чорлайди...

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва янги давлат ва янги жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд органлари муҳим ўрин тутади. Шу маънода суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини янада кучайтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос ярашув институти жорий этилди, адвокатура институти ислоҳ қилинди, суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларининг яна бир намойиши бўлди. Бу бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига катта таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида юртимизда энг юксак демократик талабларга, умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг очиқлик, ошкоралик ва адолат тамойилларига мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган ўзгартишларга асосан 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 150 депутат, шу жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан 15 депутат сайланди.

Ушбу сиёсий тадбир мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор кўрсатди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

...Она заминимиз юксак пардаларда тараннум этилган алёр қаддимизни тоғдек кўтаради. Ватан – ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин, ҳамиша севиб-ардоқлаб, тупроғини кўзимизга суриб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Озод Ватанимиз борки, қадр-қимматимиз бор. Обод юртимиз борки, ор-номусимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз сарбаланд...

Бугун жаҳон Ўзбекистонга ҳавас ва ҳайрат ила боқмоқда. Энг ривожланган давлатларнинг ҳам белини буккан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини яна бир бор исботламоқда. Бу ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлаши баробарида, кучимизга куч қўшмоқда, эртанги кунимизга ишончимизни янада мустаҳкамламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилингани ва жаҳонда илмий асосда чуқур ўрганилаётганининг моҳияти шунда.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгартиришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш дастурини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларининг жадал ривожлантирилиши иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққий эттириш имконини бермоқда.

2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорига дадил кириб бормоқда. Экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги бозорларга чиқиш ҳисобига экспорт ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Ҳозир мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан жаҳоннинг 139 мамлакатига товарлар ва хизматлар экспорт қилинаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг қиймати 518 миллиард сўмга тенг кредитлари йўналтирилди. Иқтисодиётимизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 1,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 181 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми 1,8 баравар кўпайди.

Аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг энг муҳим манбаларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда. Бунинг самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 41,1 фоизни ташкил қилди.

Шу йилнинг бошидан буён ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш бўйича 108 лойиҳани амалга ошириш якунланди ва 529 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлар ҳам ўз самараларини бермоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тобора ортиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан ўз донимизга, беминнат нонимизга эга бўлдик. Жорий йилда ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 7 миллион тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилди. Пахтакорларимиз ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

...Майдон узра таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятидан фахру ғуруринг ошади...

Йўллар элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди, йўл, коммуникация бор жойда тараққиёт бўлади, иш олға силжийди. Мамлакатимизда йўлларни, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш, йўл-қурилиш техникасини харид қилиш учун 190,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида 59 инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясининг разъезд ва станцияларида ишлаб чиқариш-техник бинолар ҳамда турар-жойлар қурилишини якунлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Байрам арафасида Навоий шаҳридаги халқаро аэропортда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги юк терминали ишга туширилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бандлик даражасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида иш ўринлари қисқариши давом этаётган бир пайтда 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этишга эришганимиз катта муваффақиятдир. Шу қаторда одамларимизнинг иш ҳақи, даромади барқарор ўсмоқда. Буни уларнинг турмуш фаровонлиги юксалаётгани, янги, замонавий уй-жойлар бунёд этаётгани, енгил автомобиллар харид қилиши кўпаяётгани сингари ҳаётий мисоллар ифодасида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкентда 2010 йилнинг апрель ойида ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатлари яна бир бор юксак баҳоланди. Анжуман якунлари бўйича тайёрланган хулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инқироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг кўплаб давлатлари учун муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу йилнинг май ойи бошида Тошкентда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Бу нуфузли анжуманга МДҲ ва Кавказ минтақаси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахти мезбонлик қилгани юртимизнинг халқаро миқёсда тобора юксалиб бораётган нуфузидан далолат. Анжуман иштирокчилари ушбу тадбир юксак ташкилий савияда ўтгани ва ОТБнинг барча анжуманлари орасида энг самаралиларидан бири бўлганини таъкидлади.

ОТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлиси қатнашчилари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси томонидан Ўзбекистон эришаётган натижалар юксак баҳоланди. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг хулосаларига кўра, инқирозга қарши чораларнинг саноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, жорий йилда экспорт ҳажмини оширишга кўрсатаётган самарали таъсири давом этаётгани туфайли 2010 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши 8 фоиздан ортиқни ташкил қилади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтди. Унда ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ва ШҲТ процедуралари қоидалари тасдиқланди. Мазкур икки ҳужжатнинг Тошкент саммитида барча аъзо давлатлар томонидан маъқулланган Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга раислиги нечоғли самарали кечганидан далолат бўлди.

Шу йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида Тошкентда ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу 2010 йилда Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятидаги тарихий аҳамиятга молик яна бир ёрқин воқеа бўлди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, инсоннинг турмуши, яшаш шароити ўзгарса, унинг эртанги кунга бўлган муносабати ўзгаради, ишончи мустаҳкамланади. Шу боис қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича мазмуни ва миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича кўплаб уй-жой фойдаланишга топширилди. Газ, сув қувурлари тармоқлари барпо этилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида қишлоқ жойлардаги 42 массивда қурилиши бошланган уй-жойлар ўз эгаларига топширилди.

159 қишлоқ туманларидаги 223 массивда намунавий лойиҳалар бўйича 6800 уй-жой қурилиши давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу мақсадлар учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкининг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди.

Замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида 2010 йилнинг олти ойида замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 янги корхона ишга туширилди.

...Даврага болалар чиқиб келадилар. «Тантана», «Соната», «Асал», «Юлдуз», «Наврўз», «Томоша» ва «Булбулча» болалар ансамбллари ижросидаги шодон қўшиқ ва ўйноқи рақслар байрам томошаси аҳлини тўлқинлантириб юборади. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди. Қувноқ ва серзавқ фарзандларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади...

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилингани замирида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бахт ва иқболи учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Бу халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам.

"Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан ўтган йили қабул қилинган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга оид қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирларга доир қарори оналар ва болаларга эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намойиши бўлди.

Таълим-тарбия соҳасидаги дастурларимиз келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб, уларнинг самараси мамлакатимиз эришаётган юксак марра ва натижалар мисолида яққол намоён бўлмоқда. Лицей ва коллежларни битирган ёшларимиз бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Яқинда давлатимиз раҳбарининг таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни ижро этиш, ёшларни, биринчи галда, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишда қулай шарт-шароитлар яратади.

Бугунги кунда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва адабиётларини такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болалар спортини янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар, сув спорти саройлари, бадиий гимнастика заллари бунёд этилмоқда, улар замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминланмоқда.

...Ёш санъаткорлар эл-юртимизни энг азиз байрам билан муборакбод этади. Улар ижросидаги қўшиқ ва наволар улуғвор айёмнинг тантанавор руҳига ўзгача файз ва тароват бахш этади...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, санъатнинг барча турларига, жумладан, мусиқа санъати ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимизда бетакрор санъат кошоналари қад ростлаши, болалар мусиқа санъат мактабларининг замонавий қиёфага кираётгани ҳам соҳага кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрлик натижасидир. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти ҳамда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ягона сан, муқаддас Ватан!», «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танловлари ҳаётини санъатга бағишлашни дилига тукқан ёшларимизнинг истеъдодини кашф этишга, уларга кенг йўл очиб беришга хизмат қилмоқда.

Ҳа, бугун ўзбек овози дунё саҳналари узра баралла янграмоқда. Соҳир овоз, сеҳрли бармоқ соҳиблари халқаро миқёсда ўтказилаётган кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритмоқда.

...Тобора авжга чиқаётган қўшиқлар юртдошларимиздаги Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиради. Киши қалбидан шу юрт, шу Ватан меники, шу муқаддас замин янада обод ва фаровон бўлиши учун қанча кўп меҳнат қилсам, оилам, фарзандларим шунча манфаат кўради, гўзал диёримиз янада гуллаб-яшнайди, деган эзгу фикр ўтади...

"Тинчлик таянчи". Майдон узра ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага шахдам қадамлар билан мард ва жасур ўғлонларимиз – Ватан ҳимоячилари кириб келадилар. Улар она Ватанимизни мадҳ этиб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этади...

Юртимизнинг тобора обод бўлиб, қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, Ватанимизнинг тараққиётдаги ютуқлари, авваламбор, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туфайлидир.

Эл-юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон – ўзининг ҳудудий яхлитлигини сақлашга, ўзини ўзи мудофаа қилиш, мустақиллигини асрашга қодир мамлакат. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга, ҳар қандай ёвуз кучга муносиб зарба беришга қодир бўлган миллий армиямиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида Тошкент шаҳрида барпо этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси сифатида ёшларимиз, ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларда бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

«Ватан азиздир». Ватанимиз мадҳ этилган, Ҳазрати инсон улуғланган бу қўшиқ янграганда беихтиёр унга жўр бўласиз. Шундай ҳузурбахш лаҳзаларда бу оламда бетакрор она Ўзбекистонимизнинг яккаю ягона эканлиги, шу муқаддас заминга эҳтиром туйғуси ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши зарурлигини янада теранроқ англаймиз.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали бевосита томоша қилди. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи – Интернет орқали у дунёнинг барча ҳудудларигача кириб борди.

...Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Сеҳрли ёғдуларга боқиб қалбларимиздан ҳаяжон тошади.

Кўнгилларимиздаги энг олий тилаклар тилга кўчади:

— Истиқлолинг муборак бўлсин, она Ўзбекистоним!

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

"КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО" МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди

Йигирма беш асрдан зиёд тарихга эга Бухоро жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздан бири. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу гўша таърифи етти иқлимга ёйилган.

Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Туб мақсади инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очаётир.

Яқинда барпо этилган "Бухоро маданий маркази" мажмуи бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрин тутади. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада йирик иншоотлар – 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи қад ростлади. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган ушбу баландлиги 18 метр "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини таниқли ҳайкалтарош, Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Илҳом Жабборов ишлаган.

Қутлуғ Бухоро заминидан Абу Али ибн Сино, Наршахий, Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ориф Ревгарий каби буюк мутафаккирлар, кўплаб адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан. Уларнинг номлари обидада зарҳал ҳарфлар билан нақшланган. Бу ерда илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз экани, дил Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлиши лозимлиги зикр этилган.

Давлатимиз раҳбари "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи билан танишди.

— Тарихдан маълумки, қадимда Бухородан олтин конлари топилган. Бугунги кунда ҳам Бухоро тилласи асл тилла ҳисобланади, — деди Ислом Каримов. — Лекин Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи, меҳнаткаш одамларидир.

Монумент марказида уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтқазаётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг барельефли ҳайкаллари акс эттирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келажагини, эл-юртининг эртасини ўйламоғи даркор.

— Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган бу ғоялардан хулоса чиқаради, — деди Президентимиз. — Бу ғояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз.

Обида тепасига ўрнатилган баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат, айланиб турувчи улкан Ер шари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Унда Ўзбекистонимиз харитаси тасвирланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дунё билан юзлашди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади, деган теран маъно ифодаланган.

Президентимиз театрнинг янги биносини кўздан кечирар экан, бундай замонавий санъат саройлари томошабинларнинг бадиий диди ва савиясини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлади.


— Театр — тарбия маскани. Ёшларимизни турли мафкуравий таҳдидлар ва ғараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насиҳат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрдир. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш керак, — деди Юртбошимиз.

Президентимиз мажмуа ҳудудида вилоят иқлим шароитига мос дарахтларни кўпайтириш ва яшил ҳудудларни янада кенгайтириш юзасидан тавсиялар берди.

Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросни, тарихий-меъморий обидаларни асраш, уларни келгуси авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухородаги Масжиди Калон, Чорбакр каби қатор обидалар таъмирланиб, асл қиёфасига келтирилди. Президентимиз ташаббуси билан Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари обод манзилларга айлантирилди.

Юртбошимиз шу куни Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари





ОЗОДЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи – Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон эришаётган бетимсол ютуқлар, мамлакатимиздаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод — мана шундай улуғ неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улуғ аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг эзгу анъаналардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

Мазкур мажмуа доим зиёратчилар билан гавжум. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук она Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди. Бу ерга зиёратга келган инсон осуда отаётган тонгларга шукрона келтиради, қалбида шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

31 август тонгида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган инсонларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар, мамлакатимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган бетимсол ўзгаришлар, бугунги кунда жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақида гапирди. "Шаҳидлар хотираси" мажмуасининг ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришдаги аҳамияти, ёш авлод тарбиясида тутган ўрни хусусида тўхталди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлмиш мустақиллигимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда. Мана шундай дориломон кунларга етиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз курашган, ҳатто ўз жонини ҳам аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатағон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда бугунги тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш ҳақида ўйлашимиз табиий, албатта, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

(ЎзА)

МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДА БУЮК КЕЛАЖАККА ИНТИЛИБ ЯШАШ ТУЙҒУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН ИБОРАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишди

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, юксак муваффақиятлар йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий таълим, маданият, санъат, тиббиёт муассасалари, корхоналар, уй-жойлар, равон йўллар ва кўприкларни кўрган кўз қувнайди, юракда фахр-ифтихор ҳисси ортади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши йўлида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг, мусиқанинг ўрни ва аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ бу йўналишдаги ишларнинг кўлами янада кенгайди.

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносини бориб кўрди.

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама камол топтиришни таъминлаш, бошланғич ихтисослаштирилган мусиқа таълимини янада такомиллаштириш ҳамда шу асосда мусиқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, жорий йилда лицей учун яна битта янги ўқув биноси барпо этилди, собиқ Республика мусиқа коллежининг биноси негизидаги ўқув корпуси тубдан қайта таъмирланди.


Ушбу мусиқа даргоҳи эндиликда 900 ўқувчига мўлжалланган 4 ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона ва 210 ўринли 3 ошхонага эга бўлди. Барча ўқув хоналари 64 номдаги замонавий мусиқа чолғулари ва жиҳозлари билан таъминланди. Лицей мусиқий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи 12 йиллик таълим муассасаси бўлиб, 9 йиллик мактаб ва 3 йиллик лицейдан иборат.

1—9-синфларда мусиқа йўналишида бошланғич мусиқа сабоқларини олган иқтидорли ёшлар, ушбу таълим муассасасининг ўзида ўқишни давом эттириш, мусиқа сирларини янада чуқурроқ ўрганиш ва ўз қобилиятини рўёбга чиқариш имконига эга бўладилар.

Бу ерда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази мусиқа ва санъат йўналишидаги 85 мингдан ортиқ адабиёт ва ўқув қўлланмалари, электрон ахборот таълим ресурслари, интернетга уланган компьютерлар билан таъминланган. Компьютер синфлари, лингафон хонаси, физика, кимё ва биология лабораториялари мавжуд. Лицейда 12 йўналиш бўйича мусиқий таълим бериш имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқув жараёнида фойдаланиладиган ноёб мусиқа асбоби — орган ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Юртимизда нафақат миллий мусиқачилик, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўплаб йўналишларини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Санъаткорларимиз, айниқса, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани барчамизга ғурур бахш этади.

— Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлащдан иборатдир, — деди Президентимиз. — Бу болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.



Юртимизда маданият ва санъат, жумладан, мусиқа ранг-баранглигини таъминлаш доимий эътиборда. Зеро, ота-боболаримиз асрлар мобайнида миллий санъатимизни тараққий эттириш билан бир қаторда, жаҳон санъатининг илғор намуналарини ижодий ўзлаштирган ва ривожлантирган. Мамлакатимизнинг мусиқий таълим даргоҳларида юртимиз композиторлари қаторида жаҳон классик композиторлари яратган, дунёдаги барча миллатлар ва халқлар севиб тинглайдиган ажиб куй ва қўшиқлар чуқур ўрганилаётгани ва мунтазам таралаётгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада юксак обрў ва эътибор топаётганида иқтидорли ёшларимизнинг хизмати каттадир. Истеъдод эгаларининг баланд парвозида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айлангани муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда биргина мазкур лицей ўқувчилари Франция, Италия, Буюк Британия, Швеция, Греция, Руминия сингари кўплаб давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

— Фарзандларимизнинг жаҳон саҳналарида эришаётган бундай улкан муваффақиятлари барчамизга фахр-ифтихор, ғурур бағишлайди, кўнглимизни кўтаради, — деди Ислом Каримов. — Зеро, бу ҳамма халқнинг ҳам, барча миллатлар фарзандларининг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Шундай пайтларда бундан 20 йиллар олдин ўзбек боласининг нуфузли халқаро танловларда иштирок этишини, барчани ҳайрон қолдириб, ҳайратга солишини тасаввур эта олармидик, деган савол хаёлимиздан ўтиши шубҳасиз. Бу ютуқлар мустақиллигимиз самараси эмасми?!

Президентимиз ёш мусиқачиларимизга ҳар доим буюк аждодларимизга муносиб бўлишга интилишлари, буюк халқнинг фарзанди эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда саҳнага чиқишлари лозимлигини ва бу улар эришадиган муваффақиятларнинг асосий омили бўлишини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов Тошкентдаги Турин политехника университетига ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб университет фойесида «Спарк» – Асакадаги автомобиль заводида 2010 йил август ойида ишлаб чиқарила бошлаган янги русумдаги замонавий енгил автомобилни кўздан кечирди. Ушбу автомобиль 81 от кучига эга бўлиб, 100 километрга 5 литр бензин сарфлайди. Конструкцияси янада пишиқ материаллардан тайёрланган. У ўзининг техник тавсифларидан ташқари ички ва ташқи дизайни билан ҳам аввалги моделлардан кескин фарқ қилади.

Президентимиз Ислом Каримов «Спарк» автомобилига ўз имзосини қолдирди.

— Бизга мустақиллик шундай улкан имкониятларни яратиб берди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Мана шу автомобиллар мисолида биз эзгу ниятларимизнинг ижобатини кўрамиз. Айни пайтда биз миллий автомобиль саноатимизни ривожлантиришда назарий жиҳатлар билан чекланиб қолмасдан, бу борада амалий ишларга устувор аҳамият беришимиз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қодир мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги қарорига биноан ташкил этилган ушбу олий ўқув юрти 1400 талабага мўлжалланган. Бу ерда машинасозлик технологиялари, автомобилсозлик, саноат ва хўжалик қурилиши, архитектура ва саноат дизайни, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика факультетлари очилган.

Махсус лабораторияларда талабалар двигатель конструкциялари ва технологияларини, деталларни лойиҳалаштиришни, автомобиль йиғишнинг технологик жараёнларини ўрганади. Бевосита ишлаб чиқаришга оид бошқа жараёнлар билан танишади.

Технопарк ҳам талабаларнинг амалий билими, кўникма ва тажрибасини оширишга хизмат қилади. Бу ерда металл қуйиш, унга ишлов бериш, конструкция ва деталларнинг мустаҳкам ва чидамлилигини ўлчаш каби қатор амалиётлар бажарилади.

Ушбу олий ўқув юртида дарслар инглиз тилида олиб борилади. Талабаларга ўзбекистонлик ўқитувчилар билан бирга Турин политехника университетининг етакчи мутахассислари сабоқ беради.

Ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун талабалар спорт мажмуида футбол, баскетбол, волейбол, кураш, самбо, дзюдо, енгил атлетика, сузиш машқлари ва спортнинг қатор бошқа турлари билан шуғулланиш имконига эга.

Университет билан танишув асносида мамлакатимиз раҳбари инфо-киоскка эътибор қаратди. Эълонлар, дарслар жадвали, университет ҳаётига оид янгиликлар билан мана шу электрон қурилма орқали танишиш мумкин. Талабалар унинг ёрдамида кутубхонадан тегишли китобни олиш учун буюртма бериш имкониятига ҳам эга. Унинг дастури университетнинг ўзида ишлаб чиқилгани диққатга сазовордир.

— Биз ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш баробарида компьютер дастурлари ишлаб чиқишни янада кенгроқ ўзлаштирмоғимиз даркор, — деди Ислом Каримов.

Президентимиз университетдаги ўқув ва амалий таълим жараёнлари билан танишди, талабаларнинг билим ва тажрибасини янада ошириш юзасидан зарур маслаҳатлар берди.

— Тошкентда Турин политехника университетининг очилиши эртанги кунимиз, буюк келажагимиз сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Бу даргоҳдан автомобилсозликнинг етук мутахассислари, айни пайтда қатор бошқа муҳим соҳаларда ўз касбининг моҳир усталари бўлган замонавий кадрлар етишиб чиқади. Ўзбекистонда замонавий олий ўқув юртлари кўп. Лекин бу даргоҳ рейтинг жиҳатидан Италияда биринчи ва Европада еттинчи ўринда турадиган Турин политехника университети стандартлари бўйича таълим берадиган ўзига хос ягона таълим масканидир.

Мамлакатимиз раҳбари дунёнинг атиги 18 мамлакатида енгил автомобиллар учун двигателлар тайёрланишини, General Motors корпорацияси билан ҳамкорликда юртимизда барпо этилаётган мотор заводи ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишини таъкидлади.

Туриндаги университет ҳузурида Fiat, GM, Alltalia, Compaq, Ferrari, IBM, Michelin, Microsoft, Motorola, Nokia, Philips, Pirelli, Siemens каби йирик корпорацияларнинг технопарклари мавжуд. Демак, Тошкентдаги университет талабалари уларнинг тажриба ва ишланмалари, ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат автомобилсозлик, балки саноатнинг юқори технологияли бошқа тармоқлари ва дизайн соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

O‘zbekiston Qahramoni

МЕҲНАТ ҚАДР ТОПГАНДА

— Устоз, сизга хушхабар, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлибсиз. Ҳозир телевизорда айтишди... Эшитдиму, сизга қўнғироқ қилаяпман. Сиз шунга муносибсиз, табриклайман, домлажон...



Бу — Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган мактаб-интернат директори Камолиддин Ғофуровга шогирди — кимёгар, муҳандис-технолог Соибжон Қўчқоров томонидан айтилган хушхабар эди. Муаллим ўз ҳаяжонини шундай ифодалайди:

— Бундай юксак эътибор ва эъзозни кутмаган эдим. Шунинг учунми, ҳаяжондан шогирдимга нима дейишни ҳам билмай қолдим. Нуқул "Нега? Нима учун?" дердим холос. Бироздан сўнг ўзимга келгач, шогирдимнинг қутловига жавобан, "Раҳмат, сизларгаям муборак бўлсин" дея миннатдорчилик билдирдим. Хаёлимдан шу кунгача ўтган умр йўлим, меҳнат фаолиятим кино тасмаси каби ўта бошлади.

Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги АнДУ)нинг кимё факультетини битириб, қўшни Шаҳрихон туманидаги 8-мактабда иш бошлаганимда ёш мутахассис эдим. Кейинчалик 2-лицейда фаолиятимни давом эттирдим. 2002 йили 53-ихтисослашган мактабни ташкил этиш ташаббуси билан чиқдим. Ўшандан буён шу жамоани бошқариб келмоқдаман.

Педагоглик фаолиятим билан биргаликда илмий ишлар ҳам қилдим. Албатта, изланишларим, меҳнатларим бесамар кетмади. Умумтаълим мактабларининг 7-8-9-синф ўқувчилари учун кимё фанидан дарслик ва услубий

Faxr

қўлланмалар яратдим.

Ўзбекистон мустақиллигининг ҳар йилги тантаналарини янги дарслик, услубий-қўлланмалар билан кутиб оламан. Бу йил яратган дарслик ва рисолаларим сони 25тага етди. Мана, шу йилнинг ўзида "Кимёдан масала ва машқлар ечиш" китобим "Sharq" нашриёт-матбаа концернида, "Кимёдан масала ва машқлар ечиш усуллари" деб номланган рисолам "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриётида чоп этилди. Бундан бир неча йил илгари яратган 8-синф ўқувчилари учун "Кимё" дарслигим қайта нашр қилинди.

Мен учун асосийси, шогирдларим эришаётган муваффақиятлардир. Чунки улар сиймосида мустақил Ўзбекистонимизнинг фаровон келажагини кўраман. Ана шундай ўқувчиларимдан бири Улуғбек Қўлдошев кимё фани бўйича жаҳон олимпиадасида фахрли диплом олди. Ўтган уч йилда улардан 31 нафари фан олимпиадасининг вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллади. 215 нафар ўқувчим олий ўқув юртларига кирди.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялаш борасида давлат ва халқ олдидаги камтарин хизматларим "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга муносиб кўрилганидан чексиз миннатдорман. Бу — Президентимизнинг ва ҳукуматимизнинг таълим ходимларига билдираётган юксак ишончи ва ҳурмати белгисидир.

Орифжон СИДДИҚОВ
ёзиб олди.

МЕҲРИМИЗНИ АЯМАЙЛИК



Мамлакатимизда ёш авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг баркамоллиги йўлида барча имкониятларни яратиб бориш энг устувор ва улуғвор вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни тарбиялаш орзуси туради", деган пурҳикмат сўзлари бизнинг "Меҳрибонлик уйи" фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда қалби ўксик болаларнинг меҳр оғушига олиниши, барча қулайликлар яратилган даргоҳларда таълим-тарбия олаётганлиги Ватанимизнинг фарзандлар келажаги учун қайғураётганлигидан нишонадир.

Фарзандлар камолини Ватан билади, мамлакат қадрлайди, Юртбошимиз сийлайди...

Мана чорак аср — 25 йилдирки, болаларга қувонч бағишлаш йўлида хизмат қилиб келмоқдаман. Уларнинг ҳар қадамини кузатаман. Ҳатто собиқ тарбияланувчилар ҳам диққат-эътиборимизда. Радик Шамгунов ҳарбий зобит, Умрбек Юсупов жисмоний тарбия ўқитувчиси, бу йил унинг никоҳ тўйини ҳам ўтказдик. Ҳозирги кунда меҳр билан тарбияланаётган болажонлар ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиш учун аъло хулқ билан, яхши ўқиб таълим-тарбия олаётирлар. Барча шарт-шароитлар яратилган кенг, ёруғ, шинам хоналар, спорт заллари, компьютер ва бошқа зарур жиҳозларга эга ўқув хоналари болалар ихтиёрида. Айниқса, санъат болаларнинг доимий ҳамроҳига айланган. Республикамиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига махсус дастур тайёрладик. Шуниси қувончлики, болаларимиз туман ва вилоят миқёсида ўтказилган маънавий ва маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Бадиий гимнастика ва спортнинг бошқа турлари бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Тарбияланувчиларни касбга тайёрлаш бўйича ҳам машғулотлар олиб борилади.

Ҳаётимда неки унутилмас қувончли воқеа бўлса, «бу ютуғим, юрт, Ватан равнақига нечоғли дахлдор?», деган савол ўтади кўнглимдан.

Менга нон-туз берган, бағрини очган Ўзбекистон довруғини ошириш, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш учун хизмат қилмоқдамиз.

Барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами — энг улуғ, энг азиз айём билан чин дилдан қутлайман. Юртимиз осмони мусаффо, ишларимиз баркамол бўлаверсин. Хонадонларимиз болаларнинг шодон кулгусидан яшнаб турсин.

Вера ПАК,
Хива шаҳридаги 20-сон "Меҳрибонлик уйи" директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони

"МЕН — ЎҚИТУВЧИМАН!"

ўз фаолиятини бошлаш арафасида турган ёш мутахассислар фахр-ифтихор билан шундай дейишмоқда

Эртага — Билимлар куни. Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактаблари, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида "Биринчи қўнғироқ" садолари остида янги 2010-2011 ўқув йили бошланади. Билимга чанқоқ болажонлар, орзу-мақсадлари томон дадил одимлаётган ёшларга меҳрибарё устозлар пешвоз чиқишмоқда. Нақадар ҳаяжонли лаҳзалар!

Қўлига педагогика институти ёки университет дипломини олган ёш мутахассиснинг толиби илмлар қатори биринчи дарсга иштиёқ билан тараддуд кўраётгани унутилмас воқеадир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, янги ўқув йилида 4044 нафар ёш ўқитувчи ўз фаолиятини бошлайди.

Элбек Жумаев, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 1-боғча-мактаб мажмуаси ўқитувчиси:

— Ҳаяжоним бир олам. Мактабда ўқувчилик дамларини ўтказиш бошқа, ўқитувчи бўлиб ишлаш бошқа экан. Бу йил Ангрен давлат педагогика институтининг математика факультетини битирдим.

Устозим — Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Неъмат Рўзиев, халқ таълими аълочиси Мавлуда Мамадалиева, синф раҳбарим Эътибор Мўминовага ўқувчилик давримда ҳавас билан қараганман. Улардаги сабр-бардош, ирода, меҳрдан қувват олиб, мактабни битиргач, ҳеч иккиланмай ўқитувчилик касбини танладим.

...Ўқувчиларим мени қандай кутиб олишар экан? Саранжом-саришта, батартиб, барча қулайликларга эга бўлган таълим даргоҳида ишлашнинг гашти ўзгача. Илк машғулотим — Мустақиллик дарси. У Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланади. Боғча-мактабнинг тажрибали ўқитувчиси Раъно Акромова илк сабоқни мазмунли ўтказиш юзасидан менга ўз кўрсатмаларини берди.

Зилола Исабоева, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 22-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси:

— Талабалик даври билан хайрлашиб, мактабда биология фани ўқитувчиси сифатида иш бошлаш арафасидаман. Бу даргоҳ менга қадрдон, ахир, ўзим ҳам ўқувчи бўлганман.

Олий ўқув юртида таҳсил давомида педагогика назариясини пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. Тўғриси, гарчанд назарий жиҳатдан билимим етарли бўлса-да, амалий томондан тажрибам йўқлиги мени андак саросимага

Qutlug‘ ostona



ҳам солмоқда. Лекин, ёнимда устозим — биология фани ўқитувчиси Эркиной Ҳотамова борлигидан кўнглим тўқ.

Эртага — мактабимизда тантанали кун. 922 нафар ўқувчи янги ўқув йилини катта иштиёқ ва хурсандчилик билан бошлайди. Уларнинг таълим-тарбиясига 110 нафар ҳамкасбим масъул, шулар сафига қўшилиш мен учун шараф.

Ёркиной Эрназарова, Тошкент шаҳридаги 90-умумтаълим мактаби «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:



— Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистратурасида таҳсил олиш билан бирга меҳнат фаолиятимни бошламоқчиман. Амалиёт даврида мактаб, коллеж, лицейларда дарс берганим учун у қадар чўчиётганим йўқ. Мен билан бир вақтда яна 5 нафар ёш ўқитувчи ишга қабул қилинган.

Дарс берадиган фаним бўйича ўқув дастурлари билан танишиб чиқдим. Йиллик ўқув режаларим ҳам тайёр. Мактабнинг тажрибали ўқитувчилари Зубайда Полвонова, Хурсаной Шамси-муҳаммедова томонидан ишланган кўргазмали қуролларни янада бойитмоқчиман. Мактабнинг 5—9-синф ўқувчиларига дарс беришда устозларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига таянаман..

Ҳ.ТЎЙМАНОВА
оққа кўчирди.



☑ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА БАЙРАМ АРАФАСИДА МАДАНИЙ, МАИШИЙ, САВДО, ТИББИЁТ, ТАЪЛИМ, САНОАТ НУҚТАЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛАЯПТИ.

Жумладан, Термиз шаҳрида 795 ўринли педагогика коллежи фойдаланишга топширилди. 200 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт зали, стадион ва бошқа қулайликларга эга бўлган таълим муассасасига бу йил 630 нафар 9-синф битирувчилари қабул қилинди. Ўғил-қизларининг янги, замонавий бинода таҳсил олишини кўрган ота-оналар қувончининг чеки йўқ.



ТЕРМИЗ ШАҲРИДА БУНЁД ЭТИЛГАН КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН 12-«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» БИНОСИ ҲАМ ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИДАН БИРИ БЎЛДИ.


Айни пайтда 87 нафар тарбияланувчидан 56 нафари ўғил, 31 нафари қиз болалар. Бу ердаги тарбияланувчилар 5 миллатга мансуб болалар бўлиб, улар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинганлиги болажон халқимизга хос меҳр-мурувват рамзидир.

☑ НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ 2005 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРИДА ЗАМОНАВИЙ АНДОЗАЛАР АСОСИДА БУНЁД ЭТИЛИБ, НАВҚИРОН ШАҲАРНИНГ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШГАН ЭДИ.

Ўтган йиллар давомида мазкур илм масканининг ташкил этилиши кўплаб иқтидорли ёшларнинг мукаммал билим олиб, мустақил ҳаётга йўлланма олишларига хизмат қилди.

Академик лицей 825 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар аниқ, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология ҳамда табиий фанлар йўналишларида таҳсил олишмоқда. Йигит-қизларнинг вилоятнинг турли ҳудудларидан келиб ўқишаётгани, билим даргоҳи учун махсус ётоқхона нечоғлик зарур эканини кўрсатиб турарди. Янги ўқув йили арафасида ана шу муаммо ҳам бартараф этилди. Лицей ўқувчилари учун 100 ўринли ётоқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.





— Ётоқхонада толиби илмларнинг дарс қилишлари, турли спорт машғулотлари билан шуғулланишлари, дам олишлари учун барча имкониятлар яратилган, — дейди илм маскани директори Шоирахон Зайниддинова. — Бу эса ёш авлод таълим-тарбияси учун ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрликларнинг яна бир кўринишидир.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

☑ КАРМАНА ТУМАНИДАГИ 2-СОН БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ 1969 ЙИЛДА ҚУРИЛГАН БЎЛИБ, ҲОЗИРГА ҚАДАР МУАССАСА МОСЛАШТИРИЛГАН БИНОЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛДИ ВА УЧ МАРТА У ЖОЙДАН БУ ЖОЙГА КЎЧИРИЛДИ.

Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида мазкур илм маскани 2010 йилнинг манзилли режасига кўра кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилиши натижасида ўзгача янги қиёфа касб этди.

Бунёдкорлик давомида «Жавоҳир Навоий МЧЖ« қурилиш ташкилоти томонидан 675 млн. сўмлик капитал реконструкция ишлари олиб борилди.

Энг қувончлиси, мактабда ҳозиргача 6 йўналишда дарслар олиб борилган бўлса, реконструкциядан сўнг яна 5 йўналишда сабоқларни ташкил этиш имконияти яратилди. Мусиқа ва хонандалик юзасидан якка тартибда ва гуруҳ бўлиб шуғулланиш учун ихтисослашган, шунингдек, рассомлик, ҳайкалтарошлик, компьютер графикаси каби замонавий санъат турлари бўйича машғулотлар олиб бориш учун махсус синфларнинг қулай ва ўрни билан жойлаштирилиши сабоқлар самарадорлигига ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва металга ишлов бериш, зардўзлик буюмлари, макраме, гобелен ва гиламлар тайёрлаш бўйича ҳам амалий санъат устахоналарининг мавжудлиги эса назария ва амалиёт уйғунлигининг узлуксизлигига хизмат қилади.

О.ОЧИЛОВА



☑ МЕН КЕЛАЖАКДА ЕТУК САНЪАТКОР БЎЛМОҚЧИМАН. ОРЗУИМНИНГ АМАЛГА ОШИШИ УЧУН ЭСА ЮРТИМДА БАРЧА ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТ БОР. УЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ 4-БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИДА ТАҲСИЛ ОЛЯПМАН.



Устозим Лариса Тружинкова билан олиб борилган машғулотлар самараси сифатида Урганч шаҳрида болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» танловининг республика босқичида фортепиано йўналишида қатнашиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритдим.

Кўрик-танловда қатнашган Москва Давлат консерваторияси профессори Р.Островский мен билан машғулотлар ўтказиб, иқтидоримга юқори баҳо берганлиги ва мени халқаро фестивалга таклиф этганлиги истиқлол берган имкониятларга дастлабки жавобларимдан бири деб биламан.

Барча тенгдошларимга мана шундай омадлар ёр бўлишини тилаган ҳолда уларни мустақиллик байрами билан табриклайман.

Шерзод АБДУЛАЗИЗОВ,
Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси

☑ МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИСҚАГИНА ФУРСАТ ОРАЛИҒИДА КАТТА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИКИ, УЛАР ҲАҚИДА ҚАНЧА ФАХРЛАНИБ ГАПИРСАНГИЗ, ШУНЧА ОЗ. ҲАР БИР СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЎЗ БЎЙ-БАСТИНИ КЎРСАТМОҚДА.

Фарғона шаҳридаги 40-мактабда математика фанидан ёшларга сабоқ бераман. Истиқлол йилларида барча соҳалардаги каби таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида бугун соҳада улкан муваффақиятлар қўлга киритилаётганига гувоҳмиз.

Истиқлол юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодга чексиз имкониятлар туҳфа этмоқда. Бугун туман ва шаҳарларимизда қурилган замонавий, барча шарт-шароитларга эга ўқув муассасаларида ёшлар эмин-эркин билим олмоқдалар. Шу билан бирга уларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар ҳам эътиборга молик.

Ўтган йиллар менга кўплаб ютуқларни тортиқ этдики, буни меҳнатларим эвазига берилган эътибор, деб биламан. 2005 йили Президентимиз фармони билан «Дўстлик» ордени билан тақдирланганимда, қалбим чексиз ғурур ва ифтихорга тўлди.

Тўплаган тажриба ва изланишларим ўтган ўқув йилида ўз самарасини кўрсатди. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2010» кўрик-танловининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, республика босқичига йўлланма олдим. Бу босқичда ҳам омад менга кулиб боқиб, фахрли биринчи ўринни эгалладим. Ютуқларим замирида кўп йиллик изланишларим бор.

Мустақиллик айёмининг 19 йиллигини қарши олаётган ҳамюртларимизни, қолаверса, таълим тизими ходимларини чин қалбимдан табриклайман.

Зоя ЮГАЙ,
Фарғона шаҳридаги 40-мактаб ўқитувчиси

YANGI ŬQUV ĬILI YANGI BINODA

Farzandni eng ulug‘ ne’mat sifatida qadrlaydigan xalqimiz azal-azaldan bola tarbiyasiga, uning barkamol unib-ўsishiga alohida e’tibor qaratib kelgan. Yurtimizda istiqlolning ilk ĭillaridanoq ta’lim soxasiga zamonaviy taraqqiy ettirish va yangilashning eng muxim bo‘g‘ini sifatida qaralib, qator islohotlar amalga oshirib kelinmoqda.

Bu ĭil “Barkamol avlod ĭili“ davlat dastурining e’lon qilinishi xam soxaga bo‘lgan ĭksak e’tibor namunasidir. Dastura binoan ĭorĭy ĭilda xam fazandlarimizning xech kimdan kam bo‘lmай, zamonaviy shароitlarda bilim olishlari uchun zarur shart-sharoitlar yaratish maqsadida ta’lim muassasalarida qurilish-tiklash ishlari davom etmoqda. Respublikamizning olis va yaqin shaxar qishloqlaridagi kўrkam, zamonavii shart-sharoitlarga ega ta’lim muassasalarining bunёd etilishi bevosita istiqlol imkoniyatlari bilan chambarchas bog‘liq. Shu bois xam ularga “Mustaqillik inshootlari” dea ta’rif berilaётir. Xorĭĭ ĭilda xam respublikamizning barcha xudудlarida keng kўlamda bunёdkorlik ishlari amalga oshirilib, umumiĭ ўrta ta’lim maktablari, akademik liceĭ, kasb-xunar kollezhlari ўkuvchilar ixtiёrigа topshirilmoqda.

Zamonaviĭ loĭixalar asosida qad rostlagan ta’lim muassasalarining zarur ўkuv-laboratorĭia xizmatlari, kompьyuter xamda axborot texnologiyalari, darsliklar ўkuv-uslubiĭ materialar bilan ta’minlangani ta’lim samaradorligini oshirishga xizmat qilishi tabiiy.

Kuĭida yangi ўkuv ĭilida «Birinchi kўngiroq» sadolari bilan ўkuvchilarni ilm-fanning ĭksak cўqqilarini zgalashga undovchi yangi ta’lim muassasalarining ajrimlari bilan tanishiasiz.



Toshkent vilоyati

Zangiota tumanidagi yangi ўkuv ĭili arafasida qabul bitkazilgan 47-maktab binosining qurilish-ta’mirlash ishlariga 1 mlrd. 367 mln. so‘m mablag‘ sarflandi.

315 o‘rinli, barcha qulaĭliklarga ega ushbu ta’lim muassasasida endilikda Xonobod qishlogi, Oxunbobo-ev maxallasi farzandlari ta’lim-tarbia oladilar.



Davlat bюdjetidan ajratilgan 1 mlrd 900 ming so‘mlik mablag‘ xisobiga qurilgan Namangandagi yangi 71-maktab barcha qulaĭ sharoitlar bilan ta’minlangan.

611 nafar ўkuvchi ўz bazrига ega bo‘lgan ushbu maskanning sinf xonalaridan tortib, ўkuv laboratorĭia, kompьyuter, sport zali, tadbirlar zali, barcha-barchasi kerakli xizmatlar bilan to‘lik ta’minlangan. 2 gektar ер maĭdonga ega bo‘lgan maktabda turli xil gul kўchatlari, qarĭa va boshqa mevalar bilan bog‘ xam barpo etilgan.



Paĭariq tumanida qad rostlagan 315 o‘rinli 21-umumta’lim maktabi binosi ёnidan o‘taётgan qariyalar duoga qo‘l o‘shimoqda: «Iloxo ĭurtimizga, uning mexnatkash va bunёdkor xalqiga kўz tegmasin!»

Maktabning sport zali, ўkuv laboratorĭia xonalari, axborot-resurs markazi, oshxona zamon talablari asosida jixozlandi. Ushbu maskanni barpo qilishga 1 mlrd. 16 million 35 ming so‘m mablag‘ sarflandi.




Xatirchi tumanidagi 6-bolalar musiqa va san’at maktabi jamoasi ĭurtimiz Istiqlolining 19 ĭillik shodiёnalari arafasida katta tuxfa — yangi zamonaviĭ binoga ega bo‘ldi.

Ta’lim muassasasiga gaz quvurlari ўtkazilgani, uning ichimlik suvi bilan ta’minlangani esa ўkuvchilarning saломatligini muxofaza qilib, qishda xam issiq, ёrug‘ va keng xonalarda musiqa sirlarini ўrganishlariga imkon yaratadi.

... Xar tong ajib bir manzarani kuzataman: derazam rўparasidagi kashtan darakti shoxlarida kўngan qushlar ўz tillarida chug‘urlashib, mashvarat boshlashadi. Bири ёqimli oxangda sayrashga tushsa, bири esa butokdan-butokka sakrab, boshini sarak-sarak qilganicha shoxlarini olqishlaĭdi. Osuda kunning bu ĭlchilari, nazarimda, kuёshni shodlik bilan qarshi olib, shukronalik bilan yashashga shoshilish undovidan tolmaĭdi, xar saxar ĭurtimiz bog‘larining tarovatiga qasida ўqiĭdi ular...

Tinchlik xukmron bo‘lgan ĭurtning tonglari ana shundaĭ qushlar chug‘uri bilan otadi. Kўrgonlari mustaxkam ĭurtningina bog‘lari gullar atri bilan to‘ladi. Ekotimol, bu tabiatning oddiĭ va odatiĭ xarakati dersiz. Ўk, ana shu muvozanatni saqlab turmoq uchun xam TINCHLIK zarur. Mamlakatimizda ana shu neъmatning borligi, barqarorligi xamiki tirik jon uchun eng bebaxo boĭlik va baxtdir.



Kўz oldimdan yaqinda telexranda kўrganim — bombalarning portlashi ery kўkni larzaga keltirgan, samoni qoplagan tutun qўeshning yuzida parda tortib qundузni xuftonga aĭlantirgani, norasida gўdaklarning chirqillab ĭig‘laётgani lavxalari ўtadi. Xўp, ana shundaĭ foxealar bagridan biz yuqorida tasvirlaganimiz — gashtli onlarni topmoq mumkinmi? Aslo! Xa, ana shu soniялik qiёsning ўzi Vatanimizda Yurtbosh imiz raxnamoligida Tinchlikning bardavomligini maxkam tutmoq uchun olib borilaётgan oqilona sieset va sa’y-xarakatlarning nechog‘lik qimmati baland ekanini isbotlab beradi bizga! Xalqimiz kўzining qarogida, yuragini soqui otib asrab kelaётgan TINCHLIK atalmish noёb xavoxir Vatanimizda Insonning xamisha azиz va muxtaram bo‘lib umrguzaronlik qilmogiga mustaxkam kўrgondek xizmat qilaётir...

Ana shundaĭ xushkaĭfiyat bilan radio murvatini buraĭman, xofizning xonishlari dilimdagi kechinmalarga uĭg‘unlashib ketadi:

Darё toshsa kelsin dengiz to‘lади-da,
Kўkka boqqan kўzlar yoldуz kўradi-da,
Bek boladi baribir bek bo‘lади-da,
Borislari ikki darё orasining —
Qaddin kўring Ўzbekiston boladsining.

Beixtiёr kўnglimda bir totli entikish tuyaman. Chindanda bugun dunё saxnida farzandlarimiz tashlaётgan zalvorli odimlar iftixor etsak arzigulik. Istiqlol ĭillarida sog‘lom va barkamol avlodni voyaga etkazish davlatimiz siesatining ustuvor vazifalari darajasiga kўtarildi. Yurtboshimizning «Ўlu ĭurtimizning osoĭishtaligi, osmonimizning musaffoligi, sarxadlarimizning bexatarligi, bugungi kunimizdan rozilik, ertangi xaётga ishonch, onalarimiz va farzandlarimizning ĭuzidagi tabassum, bu — men ўz faoliyatimda intiladigan eng olий maqsaddir. Xalqimizning osoĭishtaligi va farovonligi men uchun xamma narsadan afzal» degan olий niяti Mustaqillik ĭillari jamiki jabxalar tarakkiётining dastуriламalига aĭlandi. Ўyu rezalar ana shu katta maqsadning asosini tashkil etdi. Xususan, 1997 ĭilning «Inson manfaatlari ĭilи» dea ataliб, oltin xalqa misol bir-birining boshlagan ezgu ishlarига elka tutgan, kelgan ĭilларга karvonboshilik qilishi kўzlangan manzil tomon qatьiй qaroriмiz va ĭўlimizni yanada ravonroq etib belgilab berdi. Demak, bu ulug‘ Vatanda inson, uning orzu-umidlari azиz. Xamma narsa uning iqboli uchun xizmat qilmogi kerak. Ulug‘lik martabasiga eришgan ĭurtning fuqarolarigina ўzining qadr-qimmati baland ekanini xis etib яshaĭdi. Zotan, mamlakatimizda farzand xali dunёga kelmasidanoq uning sixati, moddiй va maьnaviй xizqatdan muxofaza etilishi xususida qaĭg‘urilaётgani, bu borada xukumat mikёsida chora-tadbirlar belgilanaётganining ўzi uning azиz tutilaётganiga ishora emasmi?! Xususan, 1998 ĭilning «Oila ĭilи», 1999 ĭilning «Aёllar ĭilи», 2000 ĭilning «Soglom avlod ĭilи», 2001 ĭilning «Ona bola» ĭilи dea nomlaniб, ona va bola saломatligini muxofaza qilishga daxldor davlat dastурlarining ishlab chiqilib, amaliётga tatbiq etilishi, shu asnoda repродuktiv saломatlik, xomilador aёllar kamqonligi, turli xastaliklarining oldini olish, tug‘ruqqa va undan sўng ularga xar tomonlama gamxўrlik kўrsatish borasida maxsus chora-tadbirlar belgilanishi buning ёrqin dalilidir. **Xa, bu ulug‘ Vatanda tug‘ilmoq baxtiga muяssar bўlgan xar bir gўdak azиz!**

Bu ulug‘ Vatanda tug‘ilmoq baxtiga muяssar bўlgan xar bir gўdak azиz!

Ўzbekning ўzinga xos qadriяtlari, яshash tarzi, qarashlari, orzu-xavaslari bor. U xaётidagi tўksiklarining baxtu saodatida kўradi. Mamlakatimizdagi ĭksalishlar xam, tanьbir xoziz bўlsa, elimizning ana shu miллий menталitetiga xamoxang tarzda amalga oshirila borди. Zotan, shoirlarimiz sўz sexrio, xofizlarimiz kuй ardogida tarannum etganlaridek:

Bolam mendan baxtli bўlsin, deйdi bu эa,
Men kўrmagan kunni kўrsin, deйdi bu эa,
Kuĭisa faqat bolam, dea kuĭdi bu эa,
Ilinadi xar parsaning sarasini,
Qadrin kўring Ўzbekiston bolasining.

Mamlakatimizda 19 ĭildan buён tadrijiй davom etib kelaётgan islohotlarning negizida kelaxagi buюk bўlgan ĭurtimizning munosib borislarini kamol toptiriш masalasi turar ekan, bevosita Yurtboshimiz raxnamoligida ishlab chiqilgan «Ta’lim tўg‘risida»gi, «Kadrlar taйёrlash miллий dasturi tўg‘risida»gi qonunlar asosida jaxon taxribasida «Ўzbek modeli» deb e’tirof etilgan miллий anьanalarimizga ba ilgor xorizhiй standartlarga asoslanган malakali kadrlar taйёrlash tizimi яratilganini alohida e’tirof etish xoizdir. Olis-яqin shaxar qishloqlarimiz kўrkiga-kўrk qўshib turgan zamonaviй tipdagi kasb-xunar kollezhlari, akademik liceйlar, umumta’lim maktablarining bunёd etilishi, ilm maskanlarining moddiй-texnik bazasi mustaxkamlaniб, ўkuv-laboratorĭia xizqozlari bilan ta’minlaniши ўkuv va ўkitish ishlarining samaradorligiга izxoбiй ta’sir etishi, shaksiz.

Ёshlar ta’lim-tarbia olar jan, ular xar tomonlama kўlab-kuvatlanadi, azиz tutiladi.



Eng muximi, bu e’tibor xalqimizning qarashlarigа xam ўz ta’sirini ўtkaza oldi, яni maktab iши umumxalq ishiga aĭlandi.

«Barkamol avlod ĭilи» davlat dastурini ishlab chiqish va amalga oshiriш bўiчa chora-tadbirlar tўg‘risida»gi Ўzbekiston Respublikasi Prezidentining farmoiшida eса «nafaqat maktablarda, liceйlarda, kolleж va olий ta’lim muassasalarida, balki xar bir oilaning xaётida zamonaviй axborot va kompьyuter texnologiялari, raqamli telekommunikaciя aloqa vositalari, internet tizimini tatbiq etish, ўzlashtiriш va яnada rivojlantiriш» masalasining qaйd etilishi, xorizhiй ĭilda davlat bюdjetining 50 foizdan kўproq mamlakatimizda faqat ta’lim-tarbia va sog‘liqni saqlash soxalarini rivojlantirishga aйnaltirilaётgani xam sizu bizning guvoxligimiz, ishtirokimizda amalga oshirilaётgan, rejalashtirilaётgan, xalqimiz, xususan, ёsh avlodning xar xiqatdan sog‘lom va baркamol bўlib voяga etiши borasidagi gamxўrliklarning bir kўrinishidir...

BAXTIN KŬRING ŬZBEKISTON BOLASINING

Keча kўshnim yangi ўkuv ĭilига xozirlik kўraётgan bolasini maktab bozorига olib boribdi. Qizchaning xursandchiligi ichiga siqmaди.

— Engidagi libos xam, oёg‘idagi bezirim poйafzal xam ўzimizda taйёrlangan. Xam sifatli, xam ўzbekchilikka mos, — deйdi kўshnim mamnun bўlib. — Ўkuv quроllari xarid qilishga xam xech qiйnalmaй kerakini olib qaйtdik bir xoйdan... Xa, bugun dilbandlarimiz kўlига tushganini эmas, saralab, tanlab qiйishadi. Ularning diduga faroсatlari xam ўzbekona! Darvoqe, yangi ўkuv ĭilida 474 900 nafarga яqin bolajonlarimiz ilk bora maktab ostonasiga qadam qўiшimokda. Ana shu arafada ularni яna bir kuvonchli voqelik kutmoqda, яni barchalarigа Prezidentimiz nomidan 12 nomdagi ўkuv quроllaridan iborat sovg‘alar topшirilади. Ular bu tuxfani Mustaqil, Xur mamlakatning aъlo farzandlari bўlib etiшishga dilларida beg‘ubor axd, bolalarча beg‘ubor g‘urur va shaxd bilan qabul qiladi-lar. **Xulosa qilmoq, xech bir muboloғasiz, faxr bilan эtiroф etmoq mumkinki, ulug‘ Vatanimizda ёshlar ta’lim-tarbia olar ekan, ular kelaxak ega-lari sifatida xar tomonlama kўllab-kuvvatlanadi, azиz tutiladi.** Chunki maъrifatli, maьnaviяti butun elni xech bir kuch xech qachon enga olmaйdi. Xa, shoir topib ёzibdi, xofiz eса maromiga etkazib kuйlaяpti:

Qadim tarix sўzlagan shu til seniki,
Sultonинг iўl ochib deдi: iўl seniki,
Йillar sengа xadя bўlsin, ёil seniki,
Topib berdi xar orzuning chorasini,
Baxtin kўring Ўzbekiston bolasining!

... Qўlimga gazetamizning sўngги sonini olaman. Unda Mustaqilligimiz ўn tўqqis ĭilligi munosabati bilan Vatanimizning ўksak mukofotlarigа munosib topilgan bir gurux ustozlarimiz xaqida chop etilgan. Mamlakatimizda mexnatning qadrlaniши, fidoiйlik sharoflaniшining ёrqin misoli эmasmi qўtluғ sana arafasidagi bu sийlov!. Darxaqiqat, Istiqlol ĭillarida bu masalaga alohida эtibor qaratildi. Mexnatkashlarning ixtimoiй-iqtisodiй, xuquqiй manfaatlarini ximoяlashga daxldor meъёriй xujjatlar takomиllashtirildi. Ayrim dalиllar ustida tўxtalaйlik: sўngги ĭillarda iш xaqi miqdorini oshiriш, jismoniй shaxslar daromadidan olinadigan solиq stavkalarini kamaйtiriш, infляciя darajasini pasaйtiriш bўiчa kўrilgan chora-tadbirlar natijasida axolining яlpi va real daromadlari sezilarli ravishda oshdi, uning xarid qobiliяti barqaror suръatda ўsib bormokda. Jumladan, birgina ўtgan ĭili 2000 ĭilga nisbatan ўrtacha iш xaqi 28,5 baробar, axoli jon boshiga nisbatan pul daromadlari эsa 12 baробar oshdi. Jorий ĭilda xam iш xaqining kamida 30 foizga, real daromadlarni 23 foizga oshiriш mўljallanган. Shu ўrinda ўqituvchilarning ўrtacha iш xaqi barcha ustama va qўshimchalar bilan birga xisobланganda, 2004 ĭildagi nisbatan 2009 ĭili 5,15 baraвarga oshganini misol tarikasida keltiriб ўtish mumkin. Kўriниб turibdiki, xalqimizning turmuш farovonligini ixksaltiriш, uning mexnatini munosib baxolash, ixtimoiй xixatdan muxofaza qilish borasida mustaxkam poйdevor яratilgan. **Inson, uning mexnati azиz эkani amalda ўz dalilini topdi!**

Bu muqaddas Vatanda azizdir inson



Inson, uning mexnati azиz эkani amalda ўz dalilini topdi!

... Яqinda ĭlyum Mustaqillik maйdoni tomon tushdi. Эgnilaridagi oq яktagi ўzlarига яraшgan otaxonlar, guldor rўmollarini elkalarига tashlab olgan onaxonlar Mustaqillik va ezgulik monumenti qarшisida suxbatlaшib turishardi.

— Kel bolam, bizni bir rasmga olib qўi. Sanatoriй baxona dijdorlaшib qoldik-da, — deя suraткаш ĭigitni imlardi ulardan bири.

Nuronilarning gap-sўzlaridan ularning turli viloяtlardan poйtaxtimizga taшrif buюrganlari sezilib turar, vaktixushliklari qaddиlarini tik, qomatlarini raso etиb turardi gўё. Xa, ular bugun keksalik gaштini suriшlaяpti. Xech bir millatda katta-larga xurmat bakо kelтiriш, ularni eъzozlab qadrlaш bizdagidek burch daraжasiga kўtarilmagan bўlsa kerak. Ildizi miллий qadriяtlarimizga boriб tutaшgan davlat siёsatchiligida xam bu qaraш ўz aksini topgan. Xususan, 2002 ĭilning «Qariяlarni qadrlaш ĭili» deя nom olиши, «Nuroniй» xamg‘armalarining taшkil etilиши bu borada gi яkdil qadamlardir. Xisob-kitoblarga qaraганda, bugunga kelиб 2000 ĭilga nisbatan pensiяlarning ўrtacha miqdori qariйb 18 baробarga ortgan. Mustaqillik bairami munosabati bilan bir gurux 100 ёшdan oshgan otaxonu onaxonlarimizning «Shuxrat» medali bilan taqdirlaniшining anьanaga aйlanganligi ularning umrига umr, quvvatiga quvvat qўшaётganligi xaqiqat. **Odamzod uchun эsa keksaйganida ardoqlanmoq, azиz tutilmoq katta baxt!**

Odamzod uchun эsa keksaйganida ardoqlanmoq, azиz tutilmoq katta baxt!

... Яna kўshiq ўgirlaйdi xaёlimni. Ўzbekning faqat ва faqat ўziga ўxshaйdigan feъli bor, kuvonchi bor. Uning bolasini azиz etsangiz, ertangi ёruғ kunlarini kўradi. Bolasiga suяnadi. Extimol, bola kўtariб ўtirgan aёl siммosi ĭurtimizda baxtiёrlik ramzига aйlanganini shundaндir:

Darё toshsa kelsin dengiz to‘lади-da,
Kўkka boqqan kўzlar yoldуz kўradi-da,
Bek boladi baribir bek bo‘lади-da,
Borislari ikki darё orasining —
Qaddin kўring Ўzbekiston boladsining.

... Kashtan shoxidagi qushlar tumshuqchalari bilan patlarига kўngan gardlarni olиб tashlagan misol bir-birlarига xiёl termulиб turdilar-da, «pir» etиб uchиб ketishdi. Orqasidan kuzatиб turdim: ular uzoq ketiшmadi, xuв naridagi kўшinmingг derazasi qarшisidagi ўrik butoqlarига kўniб, яna shu alfosda chug‘urlaшa boshlashdi. Xa, tinchlikdan яshnagan ĭurtning gўshalaridan ular qandaй ĭiroqlaшsin?! **Xar kuni baйram, эli azиzu mukarram Vatangagina tabiatning jamiki mўjizalari яraшadi.** Ana shundaй xurramlik bilan bugun qandaйdir эzgu iшga qўl uриб ulug‘riш umidida xizmatga otlandim, atrofimda шoшиб-шoшилиб ketaётgan zamondoшlarimning юz-kўzlaridagi шukronalik, zavq iштiёqini kўриб angladimki, xamma-xammaning dilida shu niят, shu iшk. Bundan ziёdasi bўlmagaй xam!

Oйbuви OCHILOVA,
«Ma’rifat» muxbiri





Shaxrisabz tumanining Xonobod qishlogida 315 ўrinli zamon talablarigа tўla javob bera oladigan yangi 60-umumta’lim maktabi binosi qad rostladi. Bunёdkorlik ishlarigа 1 mlrd 48 million so‘mlik mablag‘ sarflandi.

Yangi maktabning 15ta ўkuv, 2ta laboratorĭia xonasi tўlik jixozlandi.




Denov tumanidagi 3-umumiй ўrta ta’lim maktaba Saudiя taraqqiёti jamg‘armasi kredit mablag‘lari xisobidan bunёd etildi. 315 ўrinli 2 qavatli bu zamonaviй maktabda barcha sharoitlar яratildi.

Maktabning 502 nafar ўkuvchisi yangi ўkuv ĭilining yangi binoda boshlashini orzuqib bilan kutmoqda. Inшoot uchun 1 mlrd. 200 mln. so‘m mablag‘ sarflandi.



Baxmal tumanidagi 54-maktabning eski binosi ўrnida zamonaviй meъmorchilik loйixasi asosida yangi maktab barpo etildi.

763 million 700 ming so‘m mablag‘ sarflanganda 216 ўrinli ushbu muxtasham bino ўkuvchilarga eng zaruriй shart-sharoitlarni xadя etadi. Ўkuv-laboratorĭia xonalarida fizika, kimё, biologiя fanlaridan eng qiziqarli mashgulotlar ўtkazish mumkin.



Marg‘ilon shaxridagi 9-bolalar musiqa va san’at maktabida xam ёz bўiи qurilish-ta’mirlash ishlari qizg‘in olib borildi. Natijada bugun shaxar kўrkiga kўrk qўshib turgan яna bir ta’lim muassasasi chiroй ochdi. Bu эsa 200 nafar iqtidorli bola uchun baйramga munosib sovg‘a bўldi.

Mazkur musiqa maktabini mukammal rekonstrukciя qilish ishlari uchun qariйb 50 million so‘m mablag‘ sarflandi.

17 ёш остонасида Давлат мукофотига эга бўлмоқлик осонми? Бунинг учун катта куч ва иқтидор, кучли истеъдод, ноёб салоҳият эгаси бўлиш, ўзидаги қобилиятни юзага чиқариб намоён этмоқ шарт. Ва ўз навбатида сизни кўкларга кўтарган, мукофот бериб сийлаган азизларнинг ишончини оқламоқ сув ва ҳаводек зарур! Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гўзалхон Ўзбекова ана шулар ҳақида тўлқинланиб гапиради.



Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

ИСТЕЪДОД МЕҲНАТДА ТОБЛАНАДИ

У Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчиси. Ўз тенгдошлари орасида ўткир зеҳни, интилувчанлиги билан ажралиб туради. Ўзининг қобилиятини намоён этиб келаётган, бугуннинг зиёли ҳамда ҳур фикрли ёшларидан.

— Турли кўрик-танловларда қатнашиш ўқувчининг истеъдодини юзага чиқаради, — дейди Гўзалхон. — «Ёшлар камоли — юрт истиқболи» республика кўрик-танловида 1-даражали диплом билан тақдирланганимда ўзбекнинг фарзанди бўлганлигимдан ғурурланиб, қалбимда шу Ватанга бўлган меҳр ва эътиқодим янада жўшиб кетганди. «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловининг финал босқичида 2-даражали дипломни қўлга киритганимда олдинги таассуротларим янада бойигандек бўлди.

Гўзалхон кўп китоб ўқийди. Уйида, ўз хонасидаги китобларни кўриб меҳрингиз тошади. Шунданми, у «Энг яхши китобхон» кўрик-танловида ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Изланиш ва интилишлари ғолиблик пиллапоясига бошлайди. «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси», «Сиз тарихни биласизми?» сингари кўрик-танловлардаги ғолиблик унинг яқинда ўзига ишончини оширди, янги зафарларга ундади. Тенгдошлари Гўзалхонга ҳавас билан боқишар, ҳаваслар айни пайтда унинг издошларини кўпайтирарди.

— Ҳар гал танловлар баҳонасида азим Тошкентга келар эканман, албатта, Мустақиллик майдонини қалбимда ғурур ва сурур билан зиёрат қиламан, — ҳароратли кунлар шукуҳидан завқланади у. — Назаримда, бу ерда улуғ бобокалонларимнинг руҳлари мени қўллаётгандек туюлади. Амир Темур тавалludининг 672 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманда қилган маърузам учун халқаро Амир Темур жамғармасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Анжумандан олдин бобомизнинг музейини зиёрат қилдим, тарихимиз билан янада яқинроқ танишдим. Бу танлов жараёнида менга қувват бағишлади.

Гўзал бой тарихимизнинг ажралмас қисми бўлган фольклоршунослик соҳасига бўлган қизиқишларини ўз изланишларида намоён этиб келаётир. У ўзининг қизиқиши туфайли «Устоз — шогирд» анъанаси асосида Урганч давлат университети ҳамда Хоразм Маъмун академиясининг тажрибали профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида доимий илмий изланишда. Олий ўқув даргоҳи ҳамда академик лицей ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликда турли тадбирларни ўтказиш ва биргаликда илмий изланишларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Жараёнда унинг «Хива обидалари», «Хоразм достончилик анъаналари», «Халқ достонларида шеърий санъатларнинг ўрни», «Тафаккур зиёси» номли кичик рисолалари нашр этилди. Мақолалари доимий равишда вилоят ва республика матбуотида чоп этиб келинаётир.

Ёш иқтидор эгасининг миллий қадриятларимизни, уларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини, тарихимизни, шунингдек, муқаддас Ватан ҳақидаги тушунчаларни акс эттирган мақолалари мутахассислар эътиборига тушган. Бугунги кунда Гўзалхон УрДУнинг катта ўқитувчиси Холпошша Тангирова билан биргаликда «Хоразм воҳасининг ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари тарихи ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти» мавзусида илмий изланиш олиб бораяпти.

— Тарих, она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида бир соатлик методик-услубий дарс ишланмасини, тўгарак машғулотларининг режаларини ишлаб чиқдим. Ўзимча бирор янгилик яратишга ҳаракат қиламан. Режам муваффақиятли чиқса, бир поғона ўсиб кетгандек бўламан.

Гўзал ҳамиша ўқиб-изланишда, жамоат ишларида фаол иштирок этади. У ўз ташаббускорлигини турли тадбирларда намоён этади. 2009 йили «Камолот» ЁИҲнинг вилоят бўлими, УрДУ ҳамда Маъмун академияси ҳамкорлигида Ватанимизнинг бой тарихини, миллий қадриятларимизни, аждодларимиз қолдирган бой меросни профессор-ўқитувчилар ёрдамида талабалар ўртасида дарслардан ташқари чуқурроқ ўрганиш мақсадида «Ёш ўлкашунослар» клубини ташкил қилди. Мазкур клубнинг сардори сифатида янги ғоялар ва эзгуликларга бош бўлаяпти. Хуллас, 2010 йилда Зулфия номидаги давлат мукофотининг совриндори бўлган Гўзал Ўзбекованинг эзгуликка йўғрилган орзулари бир дунё...

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

5 МИЛЛИОН КИТОБГА ЭГА МАСКАН

Кутубхоналар азал-азалдан инсонлар учун маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб келган. Бу ерга илм истаб келган киши ўз билими ва дунёқарашини кенгайтириб маънавий озуқа олади. Китоблар жавонига яқинлашсангиз, у сизни ўтмишнинг кўринмас иплари билан боғлаб сеҳрлаб қўяди.

Дунёдаги жамики яхшилик, эзгулик, меҳр, қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлигида ҳам китобларнинг ўрни беқиёс. Одамзод доимо китоблар оламига интилиб яшаган, чунки китоблар инсонларни эзгулик оламига чорлаб келган, уларга руҳий мадад, битмас-туганмас куч-ғайрат ато этган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси ҳам мустақиллик шарофати билан эзгулик йўлида нур таратиб турган нурафшон бир масканга айланди. У ерда бўлган киши фақатгина ўз билимини бойитибгина қолмай, балки руҳиятининг кўз илғамас қатламларида ўзига хос ором ва хотиржамлик ҳис қилади. Негаки, бу масканда буюк боболаримизнинг муқаддас қўллари билан ёзилган ноёб ва нодир қўлёзмалар асл нусхалари ҳам сақланмоқда. Кутубхона ҳар жиҳатдан қулай ва шинамдир. Жуда катта китоб захирасига эга бўлган кутубхонада китобхонлар учун барча шароитлар яратилган.

Ушбу зиё маскани нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам катта мавқега эга эканлигини таъкидлаш ўринли.

Бугунги кунда 32 минг нафар китобхонга зарур талаблар даражасида хизмат кўрсатаётган маънавият ўчоғида 5 млн.дан ортиқ китоб мавжуд.

Республика кутубхоналар ассоциацияси аъзоси сифатида катта нуфузга эга ва қарийб 30 йилдан буён ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ишлаб келаётган зиё маскани Бутунжаҳон илм-фан тараққиётига ҳам ноёб адабиётлар захираси билан катта ҳисса қўшмоқда. Кўплаб илм-фан арбоблари, олимлар ва интилувчан ёшлар кутубхонамиздаги бу имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Қайд этиш лозимки, бу ерда республикадаги 26та илмий текшириш муассасаларининг кутубхона тармоқлари билан ҳам изчил ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бугунги ахборотлашган тезкор тараққиёт даврида асосий кутубхона «Автоматлаштирилган кутубхона модели» лойиҳасини биринчилардан бўлиб ишлаб чиқди ва мамлакатимиздаги бошқа кутубхоналар билан бу борада тажриба алмашиш бўйича таянч муассаса бўлиб хизмат қилмоқда. Кутубхона ахборот-ресурсларидан интернет тармоғи орқали фойдаланиш тизимининг яратилганлиги юртимиздаги чекка ҳудудларда таълим олувчи илми толиблар учун яна бир катта имконият бўлди.

Кутубхонанинг ахборот-ресурс маркази дунё илм-фан тараққиётидаги ўзгаришлар, кашфиётлар ва янгиликлардан биринчилардан бўлиб хабардор бўлади ва уни кенг ўқувчилар оммасига тезкор суръатларда етказиб бермоқда.

Бундан ташқари, чет тилларида ва хорижда нашр этилган кўплаб китоблар ҳам айнан кутубхонада сақланади. Китоблар билан бир қаторда электрон кўринишдаги нашрлар, CD ва DVD форматдаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, ўқувчилар учун хизмат қилмоқда.

Дунёнинг 40 мамлакатидаги 135та тишкилот билан китоб айирбошлаш ҳам йўлга қўйилган. Бу кутубхона фондини мунтазам бойитиб бориш учун анча самарали ва фойдалидир.

Бугунги кунга келиб кутубхонада 90 нафардан ортиқ малакали ходим 8та бўлимда китобхонларга хизмат кўрсатмоқда. Замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминланган тўртта ўқув зали ҳам китобхонлар ихтиёрида.

Насриддин БОТИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси асосий кутубхонаси матбуот котиби


БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ

жажжиларга байрам туҳфаси

Мана, 19 йилдирки, Ватанимиз мустақиллигини катта тантана билан нишонлаб келмоқдамиз. Ваҳоланки, бир вақтлар бу байрамни нишонлаш орзуси қалбларимиз тубида чўкиб ётар, эркинлик соғинчи юракларга ором бермасди. Осонликча эришмадик, шунинг учун ҳам Мустақиллик — зўр тантана билан нишонлашга арзийдиган байрам. Йил тақвимида алоҳида ажратиб қўйилган ушбу кунда биз ўзлигимизни, эркимизни яна ўз қўлимизга олган эдик.



Бу улуғ айёмнинг мамлакатимиз тақдирида нақадар муҳим ўрин тутишини нафақат катталар, балки ўсиб келаётган авлод — жажжи болакайлар ҳам англаши, ҳис қилиши керак. Ҳар йили мустақиллик байрами олдидан бутун мамлакатимиз бўйлаб қатор ўзгаришлар, тайёргарлик ишларининг амалга оширилиши бежиз эмас.



Жумладан, Юнусобод тумани, 17-мавзедаги 21- ҳамда 17-уйлар яқинида барпо этилган болалар майдончалари бу ерда истиқомат қилувчи аҳоли, айниқса, болажонлар учун эсда қоларли байрам совғаси бўлди.

— Мустақиллик байрами арафасида маҳалламиз болалари ўртасида турли танловлар, мусобақалар ўтказиш анъана тусига кирган. Яқинда бунёд этилган болалар майдончалари бундай тадбирларни янада қулайроқ шароитда ташкил этиш имконини берди. Ўйингоҳларнинг ҳар бирига 5тадан предмет ўрнатилган. Ҳар бир майдончанинг қурилишига ўртача 1 млн. 800 минг сўм атрофида маблағ сарфланди, — деб маълумот беради «Дўстлик» маҳалла кенгаши раиси Аҳаджон Шокиров. — Қизиқ томони шундаки, майдончалар қурилгач, аҳоли маҳалла ободлиги ва тозалигига янада кўпроқ эътибор қарата бошлади. Ўйингоҳ атрофининг саришталиги — болалар саломатлиги гарови, ота-оналар буни англаётгани эса қувонишга арзийдиган ҳолат.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурининг 11-бандида илгари ташкил этилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, турар жой даҳалари ва маҳаллаларда рекреация зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур банднинг амалдаги ижроси сифатида 17-даҳада жами 13та болалар майдончаси болалар ихтиёрига топширилганини эътироф этиш мумкин.

Биз майдончани болалар билан гавжум ҳолда кўрдик. Чиндан ҳам, кичик ёшдаги болаларнинг мириқиб ўйнаши, жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва умуман, вақтини мароқли ўтказиши учун бу ерда етарлича шароит бор.

— Аввалларимиз кўчамизда болалар майдончаси бўлмагани учун, ўғлим уйдан ташқарига чиқишни истамас, кун бўйи телевизор қаршисида ўтирар эди. Мен ҳатто унинг бу одатидан хавотирга туша бошлагандим. Майдонча қурилгач, қўшни болалар қатори ўғлим ҳам кўчамиздаги болалар билан ҳамжиҳатликда ўйнайдиган бўлди. Ўйингоҳ уйимизнинг шундоққина рўпарасида бўлгани учун боламнинг узоққа кетиб қолишидан қўрқмайман, у шу ерда эканлигини билиб, кўнглим хотиржам тортади, — дейди 17-уйда истиқомат қилувчи оналардан бири.

— Болалар майдончасида кичик организмнинг жисмонан ривожланиши учун керак бўлган ҳамма нарса бор, — ўйингоҳ афзалликлари хусусида фикр билдирди 21-уйда яшовчи Кавсар Турдиева. — Улар ёрдамида тортилиш, осилиш, юқорига ўрмалаб чиқиш, сакраш каби машқларни бажарса бўлади. Бу эса, болаларнинг ҳаракатчанлигини оширишга хизмат қилиши табиий.

Янги қурилган майдончаларда баркамол авлод, эртанги кун эгалари улғаяди, бунга ишончимиз комил.

Висола ҚАРШИБОЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

БОҒБОН МУАЛЛИМ

Мирзаали бобонинг шаҳдини кўриб, ҳеч ким уни "бобо" дегиси келмайди. 72 ёшни уриб қўйган бўлса-да, у киши ҳамон тетик ва бардам. Қишлоқдошлари ундан бунинг сабабини сўрашса, "ҳаммаси меҳнатдан" деб қўяди, холос.

Дарҳақиқат, отахоннинг бекор юрганини ҳеч ким кўрган эмас. Ўқитувчиликдан нафақага чиқиб ҳам тинч ўтиргани йўқ. Кетмонини кўтариб, далага йўл олди. 2,5 гектар ерда боғ яратди. Бу боғ ҳосилга қанчалик тез кирган бўлса, шунчалик тез шуҳрат қозонди. Бугун бу ерда етиштирилган хуштаъм анорларни қўшни вилоятлардан ҳам сўраб келишади.

Мирзаали Қўйчиевнинг асли касби ўқитувчилик. Кўп йиллар ўзи туғилиб ўсган Китоб туманининг Варганза қишлоғидаги ҳозирги 53-мактабда болаларга таълим-тарбия берди. Ўқитувчилик чоғида ҳам тинчимади. Қишлоғини обод қилиш ташаббуси билан чиқди.

Oramizdagi odamlar

— Кўриб турибсиз, қишлоғимиз тоғ қўйнида жойлашган, — дейди у. — Туман марказидан анча олисдалиги боис рўзғор учун ул-бул зарур бўлса, йўл босиб марказга боришга тўғри келарди. Агар тобингиз қочиб қолса-чи? Шунинг учун қишлоғимизга оилавий шифохона ва дорихона ҳаводек зарур эди. Бу каби орзуларимиз мустақиллик йилларидагина рўёбга чиқди.

Бошқа ҳудудларда бўлгани каби "Варганза" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам истиқлол шарофати билан обод гўшага айланди. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли яшаш шароитини тубдан яхшилаш борасидаги кўрсатмалари бу ернинг ҳам юксалишида муҳим аҳамият касб этди. Қувонарлиси, бундай хайрли ишлардан қишлоқ аҳли четда қолмади. Кимдир дорихона очиш ташаббуси билан чиққан бўлса, бошқаси савдо мажмуаси, яна бири турли хизмат шахобчаларини ишга туширди. Мирзаали Қўйчиев эса 2001-2002 йилларда ўз маблағи ҳисобидан Боғишамол қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлади, қишлоқ йўлларининг таъмирланишига муносиб улуш қўшди. Бундан ташқари, 2006 йилда шинамгина чойхона бунёд этди.

Ушбу чойхона ҳозирда варганзаликларнинг энг севимли масканига айланган. Бу ердан, айниқса, нуроний отахонларнинг қадами узилмайди. Улар ҳар гал мазкур сўлим масканда хордиқ чиқаришгач, унинг бунёдкорини алқайди, хайрли ишларига барака тилайди.

Мирзаали бобо қишлоқдаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан ёрдамини аямайди. Бу ҳақда сўралса, негадир сўзлагиси келмайди. "Бу ишлар ўз йўлига", деб қўяди.

Бобонинг ерга бўлган меҳри бўлакча. Ҳар доим кўчат қадаш, боғ яратиш ташвишида юради. Шу боис унинг боғларида ўзгача файз бор. Ҳамқишлоқларининг унга нисбатан айтган "Ўқитувчилар боғбони, боғбонлар ўқитувчиси", деган лутфи қулоққа чалиниб қолса, ўзида йўқ суюниб кетади, меҳнатга завқи ошади.

Мирзаали Қўйчиевнинг меҳнатлари муносиб баҳоланди, у 2006 йили давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Набижон НЕЪМАТОВ

Bilasizmi?



ОЙДИН ОРЗУЛАР ОСТОНАСИ

Эртага юртимизнинг барча гўшаларида ўқувчилар елкасига сумкасини илиб, соғингани — мактабига, синфдошлари даврасига ошиқади. Айниқса, мактаб остонасига илк бор қадам ташлаётган жажжи ўқувчилар янги орзу-умидлар билан "Биринчи қўнғироқ" садоларини кутмоқда.

Ўғил-қизларни билим олишга чорловчи «Биринчи қўнғироқ» дунёнинг барча мамлакатларида ўзига хос алоҳида тараддуд ва тайёргарлик билан кутиб олинади. Аммо ушбу тадбир турли мамлакатларда турли фасл ва кунларда бўлиб ўтади.

Биласизми, кунчиқар юрт **Япония**да ўқув йили баҳор фаслининг апрель ойида бошланиб, келгуси йилнинг март ойида якунланади. Ҳайрон бўляпсизми? Ҳа, бу биз учун чиндан ҳам ажабланарли ҳолат. Албатта, аксарият мамлакатларда бўлгани сингари Японияда ҳам ўқувчилар, талабалар ва аспирантлар учун ёзги, қишки ҳамда баҳорги таътил кунлари белгиланган.

Ўқиш кунининг бошланиш ва тугаш санаси ҳар бир мактабда ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин ўқув йили одатда қуйидагича тузилишга эга: биринчи триместр (чорак) 6 апрелдан 20 июлгача давом этиб, шундан сўнг болажонлар ёзги таътилга чиқиши мумкин бўлади. 1 сентябрдан иккинчи триместр бошланиб, у 26 декабргача давом этади. Шундан сўнг қишки таътил кунлари бошланади. Учинчи триместр 7 январдан бошланади ва 25 март — баҳорги таътилгача чўзилади. Шу тариқа улар йилма-йил бир синф юқорилаб бораверади.

Edu.com сайтидан олинган маълумотларга кўра, **Буюк Британия**да диёримиз ва Европанинг кўплаб мамлакатларида амалда бўлгани каби ўқув йили сентябрь ойида бошланади. Бунда британиялик ўқувчилар ҳар бири тахминан ўн икки-ўн уч ҳафтадан ташкил топган уч чоракдан иборат ўқув йилида устоз-муаллимларидан пухта билим олишга интилади. Ўқувчилар биринчи чорак ўртасида, яъни октябрь ойи охирида қисқа муддатга — бир ҳафталик таътилга чиқишади. Баҳорги чорак январь ойининг иккинчи ҳафтасидан бошланади ҳамда март ойида якунланади. Ёзги чорак эса дарахтлар қийғос гуллаб, куртаклар барг ёза бошлаган вақтда — апрель ойида бошланиб, июль ойи сўнгида тугатилади ва шу билан ўқувчилар бир синф юқорига «ҳатлаб» ўтади.

Фақатгина **Шотландия**да ҳар бир янги ўқув йили август ойи ўрталарида бошланиб, июнга қадар давом этиши мумкин. Ҳозирги вақтда Бирлашган Қироллик ҳукумати томонидан мактаблардаги ўқув жараёнини янада самарали ташкил этиш мақсадида таътил ҳамда чораклар муддати қайта кўриб чиқилмоқда.

Одатда аксарият мактабларда ўқиш куни соат 9:00дан кундузги 3:00гача давом этади. Куннинг иккинчи ярмида ўқувчилар ўзлари ёқтирган бирор спорт тури билан шуғулланиши ёки бирор-бир тўгаракка қатнаши мумкин.

Rian.ru манбасида келтирилишича, кўплаб **МДҲ давлатлари**да «Биринчи қўнғироқ» санаси 1 сентябрда нишонланади. Фақатгина Грузия ва Озарбойжон бундан мустасно. Жорий йилнинг 23 августида **Грузия** Фан ва таълим вазирлиги мутасаддилари ўтказган брифингда 2010 йилдан эътиборан, ўқув йили 15 сентябрдан бошланиши маълум қилинди. Бундан аввал ўқишнинг биринчи куни 20 сентябрдан бошланарди.

15 сентябрь **Озарбойжон**да ҳам илм аҳли, айниқса, ўқувчилар учун ҳақиқий байрам тарзида кутиб олинади. 2004 йилдан буён мамлакат бўйлаб шу куни барча мактаб ўқувчилари янги ўқув йилининг бошланишини қувонч билан қарши олиб, кенг нишонлайди.

«Европа таълим стандартлари»га асосланган Ғарб мамлакатлари, хусусан, **Германия** ва **Франция**да август ойи ўрталаридан ёки сентябрда, **Италия**да 1 октябрдан, олис материк — **Австралия**да эса февраль ойида жўшқин ўқув йили бошланади.

Буни қарангки, кўпчилик мамлакатларда ўқувчилар учинчи чоракни аллақачон бошлаб юборган бир пайтда **Бразилия**да энди янги ўқув йили "старт" олар экан. Болажонлар томонидан интиқ кутилган янги ўқув йили бошланиши 5 февраль кунига тўғри келади. Бироқ мамлакатнинг айрим ҳудуд ва шаҳарларида бу сана ўзгариб туриши ҳам мумкин.

Шуни айтиш мумкинки, Жанубий Американинг ушбу мамлакатида ҳам ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилади. Ҳатто ўқувчилар учун мўлжалланган махсус транспортлар қатновини йўлга қўйиш масаласи ҳам ҳукумат назаридан четда қолмаган. Яъни, Бразилиянинг катта-катта штатларида жойлашган мактаблари ўз автобусларига эга бўлиб, ҳайдовчилар ҳар куни ҳар бир ўқувчини соғ-омон илм масканига элтиб қўйиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Сайёрамизда аҳолисининг кўплиги жиҳатдан иккинчи ўринда турадиган ҳинд диёрида ўқув йилининг боши одатда июль ойига тўғри келади. Бироқ айрим мактаб ва университетлар мавжудки, уларда ўқиш август ёки сентябрь ойларидан бошланади. Маълумки, **Ҳиндистон** ўқувчиларининг саводхонлиги масаласи бироз оғриқли, чунки бу ерда болаларнинг катта қисми турли сабабларга кўра билим масканларига бориш имконига эга эмас. Шундан, бу борада фақатгина ҳукумат раҳбарлари эмас, айни кунларда таълим самарадорлиги учун қайғурадиган халқаро ташкилотлар, чунончи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам алоҳида иш олиб боряпти. **Аргентина**да эса ўқув йили 18 августдан бошланади. Демак, айни кезда аргентиналик мактаб ўқувчилари таътилдан қайтиб, аллақачон ўз синфхоналарига мослашиб улгурган, дейилади wicipedia.org интернет саҳифасида.

XXI асрга келиб инсоният илм-фан соҳасида мисли сиз ютуққа эришди. Бунда таълим соҳасининг хизмати беқиёс, албатта. Қолаверса, ҳозирги кунда қатор мамлакатларда халқаро ташкилотлар ташаббуси билан таълим тизимини такомиллаштириш ишлари аста-секинлик билан амалга оширилмоқда. Бу ҳолат ёшларга сифатли ва самарали билим беришнинг аҳамияти нечоғли эканига яна бир ёрқин далилдир.

Жонажон Ўзбекистонимизда билимлар куни энг улуғ, энг азиз шодиёнамиз бўлмиш Мустақиллик куни шукуҳи кезиб юрган кунда нишонланади. Шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча ўқувчи-ёшларни янги ўқув йили билан табриклаб, уларга қунт билан билим олишда омад тилаймиз.

Шаҳина ЖЎРАЕВА
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги UZB-2380 "Қишлоқ мактабларида умумий ўрта таълимни ривожлантириш" Лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи 98 номдаги бадиий адабиёт ва бошқа китоблар учун бозор коньюнктурасини ўрганиш мақсадида маҳаллий эксперт фирма танловини эълон қилади.

Шу хизмат турига ихтисослашган фирмалар ўз таклифларини 2010 йилнинг 15 сентябрь кунига қадар тақдим этишлари лозим.

Қўшимча маълумотлар учун uzb-2380@inbox.uz эл. почтаси ёки 239-15-77, 239-15-78 телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.
Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи манзили: Тошкент шаҳар, Мустақиллик-5, 620-хона.

Ҳурматли Раъно ХОДЖАХАНОВА!



Сизни табаррук 60 ёшингиз билан чин қалбдан табриклаймиз! Ўз фаолиятингизни 127-мактабнинг ёшлар етакчиси сифатида бошлаб, республикамиздаги география ўқитувчилари орасида муносиб ўрин эгаллашингиз алоҳида таҳсинга сазовор. Шу билан бирга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» даражасига етиб, минглаб шогирдларни тарбиялаганингиз, 40 йилдан ортиқ педагогик фаолият кўрсатиб келганлигингиз билан Сиздан фахрланамиз ва намуна сифатида ибрат олишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз.


Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, фарзандларингиз, шогирдларингиз, набираларингизнинг ҳамиша ардоғида бўлишингизни тилаймиз.

Тошкент шаҳридаги 127-мактаб жамоаси ва фарзандларингиз

ЙИЛИГА ИККИТАДАН ТУР ЙЎҚОЛМОҚДА

Маълум бўлишича, Буюк Британия фауна ва флорасида ҳар йили иккитадан тур йўқолиб бормоқда. Олиб борилган изланишлар сўнгги 2 минг йил ичида мамлакат ҳайвонот ва наботот оламининг 500га яқин тури йўқолганлигини кўрсатди. Уларнинг аксарият қисми XIX–XX асрлардаёқ нобуд бўлгани ҳам аниқланди, деб ёзади «Нейчерал Инглэнд» («Natural England») ташкилотининг шу номдаги нашри.

Мақолада айтилишича, йўқолган турдаги ҳайвонлар орасида ёввойи мушук, япон кити, қанотсиз гагарка (ўрдак катталигидаги қуш), кўплаб турдаги капалаклар, ниначи ва қўнғизлар кўрсатилган. Шунингдек, амфибия (ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи)ларнинг 22 фоизи, дельфин ва китларнинг — 15 фоизи ҳамда қуруқликда ҳаёт кечирадиган сут эмизувчилардан — 12 фоиз ҳайвонлар қирилиб кетган. Олимлар жонзотларнинг йўқ бўлиб кетиши турли сабабларга боғлиқ эканини таъкидлашмоқда. Масалан, уларнинг баъзилари ўтган асрнинг 90-йилларида замонавий агротехнологиялардан фойдаланиш оқибатида йўқолиб кетган. Энг ачинарлиси, ушбу ҳайвонларнинг катта қисми фақат мамлакат табиатига хос бўлиб, уларни қайта кўпайтиришнинг энди имкони йўқ.




Шу билан бирга, мутахассислар Буюк Британиядаги жонзотларнинг тўртдан бир қисми тез суръатларда камайиб бораётгани, кўп турлар йўқолиб бораётганлар сафига киритилиши мумкинлигини ҳам тасдиқлади. Буларга, хусусан, пўсти қалин тошбақа, ўрмон сувсарларини киритиш мумкин. Хавотирлиси, ҳатто аввалари оддий сифати билан аталадиган ҳайвонлар (оддий чумчуқ, оддий қурбақа кабилар) шу рўйхатдан жой олиши эҳтимолдан ҳоли эмас, чунки улар ҳам бугун кам кўзга ташланмоқда.

ЯНГИ ЙЎЛ ҚОПЛАМАСИ

Бугунги кунда автомобиль йўлларидаги ҳаракат туфайли ҳавонинг заҳарланиш даражаси жуда баланд. Лекин голландиялик профессор Йос Брауэрс раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган янги турдаги йўл қопламаси нафақат атроф-муҳит ифлосланишини пасайтиради, балки атмосферани тозалайди ҳам. Энйдовен технологик университети веб-сайтида бу ҳақида эълон қилинди.

Мутахассиснинг гапларига қараганда, янги материал ҳаводаги азот оксидлари (NOx)ни 25-45 фоизгача бириктириш хусусиятига эга. Боиси айнан шу модда автоуловлар ҳаракатланганида газ шаклида ҳавога чиқарилиб, атмосфера ифлосланиши, зарарли қурум(тутун) ва кислотали ёмғирларнинг кузатилишига сабаб бўлади. Мамлакатдаги Хенгело шаҳарчасида ўтказилган текширувлар шуни кўрсатди.

— Ўтган йили куз фаслида энг гавжум магистраллардан бири янги турдаги материал билан қопланди, — дея маълум қилди профессор Йос Брауэрс. — Унинг таркибида титан диоксиди бўлиб, бу модда қуёш нурлари таъсирида азот оксидларини нитратларга айлантиради. Кейинчалик тозалаш ишлари пайтида нитратлар сув билан ювиб кетилиши кўзда тутилди. Айни пайтда худди шундай катталикдаги ҳудудга бетон ётқизилди. Белгиланган муддатда тадқиқотчилар ҳар иккала йўлдан 0,5—1,5 миллиметр баландликдаги ҳаво таркиби намуналарини олиб, уларнинг таҳлилини ўтказди. Якунда «тозаловчи қоплама» чиндан ҳам 25-45 фоизга оксидларни бириктириши тасдиқланди.




Профессорнинг ўзи янги турдаги материал, энг аввало, мегаполислар учун айниқса қўл келишини таъкидлаяпти. Негаки, айнан шундай йирик шаҳарларда автойўллардаги азот оксидлари даражаси меъёрдан анча ортиқ экан. Шу билан бирга, Голландиянинг «Struyk Verwo» компанияси томонидан ишлаб чиқилган бу материал асфальтга аралашган ҳолда ва қурилишда ҳам қўлланилиши мумкин.

УЛКАН ДЕНГИЗ ЙИРТҚИЧИ

Канадалик палеонтологлар шу кунларда муҳим топилмани қўлга киритди. Аниқроғи, улар Манитоба провинциясида ксифактин номли улкан балиқнинг қолдиқларини топишди. «Риан.ру» манбасида таъкидланишича, ушбу жонзот бундан 80 миллион йил илгари ҳудудда умргузаронлик қилган.

Маълумотларга қараганда, ксифактин ўнлаб миллион йил илгари Ғарбий денгизда мозазавр ва океан динозаврлари каби бошқа рептилия (судралиб юрувчи)лар билан бирга яшаган йиртқич балиқдир. Топилган суякларга қараб тадқиқотчилар мазкур турнинг тана узунлиги салкам 7 метрга тенг бўлган дея тахмин қилишмоқда.



Аслида топилмага олимлар ўтган йилнинг охирида дуч келишганди. Шунча вақт мобайнида улар суякларни лой ва тупроқдан тозалаш билан банд бўлди. Кейинчалик эса ксифактиннинг жағ суякларини ажратиб олиб, уларнинг орасида улкан сув калтакесаги — мозазаврнинг сузгичи борлигини ҳам аниқлашган. Айни пайтда қазилма ишлари яна давом эттирилиб, палеонтологлар улкан денгиз ҳайвонининг қолган қисмларини ҳам топишга умид боғлашмоқда.




МУТОЛААГА ҚИЗИҚИШНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Ридер, яъни электрон китобларни сотиб олувчиларнинг 40 фоизи ушбу техника улардаги китоб ўқишга бўлган қизиқишни оширганини таъкидлашди. «Маркетинг энд Ресерс ресорсес» компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот ушбу фикрни тасдиқлади, деб ёзади «Пи-Си ворлд» манбаси.

Айни пайтда 58 фоиз китобхонлар катта ўзгаришларни сезмаган ва атиги 2 фоиз сўровнома қатнашчилари ридер сотиб олгандан сўнг камроқ мутолаага берилаётганини таъкидлаган.

Мазкур изланиш «Сони» компанияси ташаббуси билан ўтказилган бўлса-да, унда бошқа йирик электрон китоб ишлаб чиқарувчи компаниялар маҳсулотидан фойдаланадиган 1 200 нафар кўнгилли иштирок этган. Таъкидлаш керакки, бундан бир қанча муддат олдин ридерларнинг янги моделларини яратиш билан шуғулланаётган етакчи компаниялар қоғоз китобларга нисбатан электрон турдагиларининг сотуви ҳажми ўсганини маълум қилганди. Биргина «Амазон» компаниясининг «Киндл» моделидаги ридерларига талаб жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилга нисбатан 3 баробар ошгани эълон қилинганди.




Бунинг устига, электрон китобларнинг кундан-кунга такомиллашиб, мутолаа жараёнини енгиллаштираётгани унга нисбатан талабни оширмоқда. Негаки, ридерларнинг сўнгги авлодлари ихчамроқ ва олдингиларига нисбатан анча енгил. Эндиликда уларни ишлаб чиқарувчилар ускуналарга рангли экран ўрнатишни ҳам режалаштиряпти. Бу ҳолат эса унинг мультимедиа файллари билан ишлаш имкониятини кенгайтиради.

ЎТА ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТ

Луизиана штати университети тадқиқотчилари ўта фойдали маҳсулотлар рўйхатини яна биттага кўпайтирди. Аниқроғи, олимлар бир ош қошиқ қорамтир рангдаги гуруч юрак-қон томири касалликлари, саратон ва бошқа хасталикларга самарали равишда қарши курашишини аниқлашди. Шу билан бирга, ушбу турдаги озиқ-овқат маҳсулотида Е витамини, ҳаттоки, резавор меваларга қараганда ҳам кўпроқ экан, деб ёзади «Дейли Тэлеграф» нашри.

Луизиана университети қошидаги Батон-Руж Қишлоқ хўжалиги маркази илмий ходими Жимин Сюй ушбу турдаги гуручнинг таркиби борасидаги изланиш натижаларини Бутунжаҳон биологлари жамиятининг 250-мажлисида эълон қилди.




— Текширувлардан маълумки, бугунги кунда гуруч тахминан 3 миллиард инсон учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади, — дейди тадқиқотчи. — Қолаверса, 2050 йилга келиб ушбу бошоқли ўсимликнинг ҳосилдорлиги ўтган асрнинг 60-йилларига нисбатан икки баробарга ошиши кутилмоқда. Бу гуручни озуқа сифатида истеъмол қилиш даражаси ошаётганидан дарак беради. Шу сабаб озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар маҳсулотнинг фойдали хусусиятларидан имкон қадар унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Мутахассисларнинг фикрича, қорамтир гуручни кепак тарзида ичимлик, ширинлик ва бошқа таомлар таркибига киритиб, ундан фойдаланиш йўлларини кенгайтириш мумкин.

СУЗУВЧИ РОБОТЛАР ОКЕАННИ ТОЗАЛАЙДИ

«Сисарм» номини олган роботлар мустақил равишда денгиз ва океанларга ёйилган нефтни топиб, йиғиши мумкин. Мазкур техник янгилик Массачусетс технологиялар институтида ишлаб чиқилган бўлиб, яқин кунларда тақдимоти ўтказилиши кутилмоқда. Келгуси йилдан эса улар фойдаланишга топширилади, деб хабар берди «Эн-Би-Си» телеканали.

Айтиш керакки, Мексика кўрфазида «Бритиш Петролиум» компаниясига қарашли «Дипвотер Хоризон» платформасида рўй берган ҳалокатдан сўнг бу каби техник ишланмалар танлови эълон қилинганди. Бир қарашда, сузувчи роботлар тузилиши жуда содда. Улар сиғими катта пластик қутига жойлаштирилган тасмали конвейерга ўхшайди. Шаклан оддий бўлишига қарамай, бу «темир одам»лар сув юзасидаги нефть «доғ»ларини қисқа фурсатда топиб, уларни йиға олади. Қолаверса, роботлар бир-бирига мойли суюқликни қандай қилиб самарали равишда тозалаш борасида хабар жўнатиб ишлаш функциясига ҳам эга.



«Қора олтин»ни тўплаш учун фойдаланиладиган тасма наноматериалдан ишлаб чиқилган бўлиб, нефтни осонликча ўзига шимиб олади. Йиғилган нефть эса фойдаланиш ва қайта ишлашга яроқли эканини мутахассислар таъкидлашган.

Сув роботларининг яна устун жиҳати шундаки, улар қуёш батареялари ёрдамида ҳафталаб тўхтовсиз ишлаши мумкин. Қолаверса, роботлардан фойдаланиш денгизга ёйилган нефтни йиғиб олишда шу кунга қадар маълум технологияларга нисбатан кам харажат талаб этади. Ишланма муаллифлари Мексика кўрфазини ушбу техник ускуна ёрдамида атиги икки ой ичида тозалаш мумкинлигини ишонч билан таъкидлашмоқда. Шунда фалокат оқибатларини бартараф этиш учун «Бритиш Петролиум» компанияси томонидан 100-200 миллион доллар сарфланар экан. Бугун эса бу йўналишдаги барча саъй-ҳаракатлар учун 4 миллиардга яқин маблағ сарфланган.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ

энг юксак орзу, энг эзгу тилак

Маърифатли юрт, маърифатга интилган халқ ҳамиша шарафланган. Боиси, илм-фан, тафаккур, билим кишини камолотга ундайди. Шу маънода, юртимизда истиқлол йилларида барча соҳалар қатори таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Олиб борилган кенг қамровли саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун дунёга кўз-кўз этишга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди ва киритилмоқда.

19 йил... Бу йиллар сарҳисобини битмоқ фарахли. Зотан, ўтган давр мобайнида истиқлол туфайли эришган ютуқларимиз ва қўлга киритилган муваффақиятларимиз тарих солномасидан муносиб жой олди, жой олмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маърифий юксалиш юз берганлигини бугунги кунда жаҳоннинг манаман деган ривожланган давлатлари ҳам эътироф этмоқда.

19 йил... Бу даврда не-не ниҳоллар азим дарахтларга айланиб кўкка бўй чўзди. Бу даврда туғилган гўдаклар ўсиб-улғайиб алп келбатли, сарв қоматли йигит-қизлар бўлиб етишди. Бу даврда фарзанди истиқболи ва иқболини кўзлаган ота-оналар ниятига етиб, орзу ниҳоллари илк бора мева бера бошлади. Бу давр мобайнида юртимизнинг энг чекка туман ва қишлоқларида замон талаблари, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган, ҳар қандай шаҳардаги ўқув даргоҳлари билан бемалол беллаша оладиган таълим масканлари барпо этилди. Уларда таҳсил олаётган ёш авлод бугун асл маънода бахтли авлод.

Фарзанди яхши билим ва тарбия олиши учун ота-она ҳам устозлар билан елкама-елка ҳаракат қилмоқда. Ҳали мактаб давридаёқ фарзандининг тенгдошлари турли фан олимпиадаларида, халқаро кўрик-танлов ва мусобақаларда зафар қозонаётганини кўриб, ота-оналарнинг ўзлари болаларига эътиборли бўлиш учун алоҳида вақт ажратишга ҳаракат қилишаяпти. Бугун ўқитувчиларнинг ҳам ўқувчилар ва ота-оналар ҳақида фикри бўлакча.

— Шу соҳада фаолият кўрсатаётганимга 30 йил бўлди, — дейди Юнусобод туманидаги 98-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулбаҳор Жумаева. — Тўғриси, мен дастлаб иш бошлаган давр билан бугунги давр ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бугунги ёшларга жуда-жуда ҳавасим келади. Ёшлигимдан адабиётга қизиққанман. Туман ва вилоят газеталарида шеър ва мақолаларим билан иштирок этардим. Бироқ у пайтларда Зулфияхоним номидаги давлат мукофоти ва ижодкорлар учун ташкил этиладиган турли кўрик-танловлар қаерда эди дейсиз?

— Ана шу кечаги ва бугунги кун қиёсларини мен ҳар бир дарсда ўқувчиларга ифодалаб беришга ҳаракат қиламан, — давом этди у. – Бугунги ўқувчида қизиқиш ва иштиёқ бўлса бас. Хоҳлаган йўналишида билим олиши, иқтидорини намоён этиши, мақсадига эришиши учун барча шарт-шароит ва имконият муҳайё. Интернетда ўзига керакли ахборотни олиши, танлаган фани бўйича зарур маълумотга эга бўлиши мумкин. Истаган касбининг мутахассиси бўлиши учун етарли база бор. Ўқувчилар билан бирга биз ўқитувчилар зиммасидаги масъулият ҳам ошган. Чунки шиддат билан одимлаётган замондан бир қадам ҳам орқада қолмаслик бизнинг ҳам вазифамиз, бизнинг ҳам бурчимиз...

Дарҳақиқат, ўзини Ватан келажаги учун масъул деб билган ҳар бир киши хоҳ у зиёли, хоҳ деҳқон ёки оддий ишчи бўлсин, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юртига муносиб фарзанд бўлиши йўлида меҳнат қилишни ўзига шараф деб билади.

— Касбим ҳайдовчилик, — дейди Сами Абдуллаев. — Икки нафар фарзандим бор. Бири талаба, бири эса академик лицейда ўқийди. Биз таҳсил олган давр бутунлай бошқача эди. Ҳозирги ёшларга яратилган шароитларни кўриб менинг ҳам қайтадан ёш бўлиб қолгим, билим олгим келади. Ота-она бола тарбиясига бефарқ бўлиши, ҳамма масъулиятни ўқитувчи зиммасига юклаб қўйиши яхши эмас. Сабаби, фарзанд туғилиб вояга етган муҳит унинг тарбияси билан бир қаторда таълим олишига ҳам, истайсизми-йўқми, таъсир кўрсатади. Шунинг учун мактаб ва оила ҳамкорлиги бўлган тақдирдагина фарзандларимиз биз орзу қилгандек комил инсон бўлиб етишади.

Масаланинг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтишни истардим. Турмуш ўртоғим мактабда ўқитувчи. Шу боис ўқитувчиларга қанчалик қийинлигини яхши биламан. Ҳамманинг уйида тунда чироқ ўчади, ҳамма мириқиб дам олади. Аммо ўқитувчининг уйида тонгга қадар чироқ ўчмайди. У ўқувчига эртага нимадир янгилик айтиш (билим бериш!) учун доимо бедор ва уйғоқ. Шунинг учун улар меҳнати заҳматини тушуниш керак. Катта

E’tirof

ўғлим «Келажак овози» танловида иштирок этиб совриндор бўлди, кичик ўғлим эса спортда яхши натижаларга эришиб, олтин медалга сазовор бўлди. Бу мен учун фахр, ифтихор...

Инсон учун чинакам бахт — орзулар ушалишида, ўзини жамият учун керакли шахс, деб ҳис қилишида бўй кўрсатади. Зотан, орзулар замирида фақат олға интилиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишдек мақсад ётади. Яратиб берилган имкониятлардан ўринли фойдаланиб, айни пайтда мақтовга лойиқ муваффақиятларни қўлга киритаётган Шоҳрух Сатторов ўқувчи сифатида ўз фикрларини шундай баён қилди:

— Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда иқтисод йўналиши бўйича таҳсил олдим. Ниятим Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг туризм факультетида ўқишни давом эттириш. Ўзбекистондек чиройли, кўркам, қадимий ва буюк бобокалонларга бешик бўлган муқаддас юрт яна қаерда бор? Келажакда ушбу соҳанинг етук мутахассиси сифатида ана шу заминнинг бетакрор обидалари, қадимий тарихини дунёга танитишни хоҳлайман. Илм олишдан ташқари спорт билан ҳам шуғулланишни канда қилмайман. Таэквондо ва каратэ мусобақаларида иштирок этиб, уч карра Ўзбекистон чемпионати, икки карра халқаро турнирда биринчи ўринни эгалладим. Айни пайтда Россиянинг каратэ бўйича Самара шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраяпман. Бу муваффақиятларнинг барчаси, шубҳасиз, биз ёшларга яратиб берилган имкониятлар самараси, албатта.

Юртимизда Шоҳрух сингари ёшлар юзлаб, минглаб ва бундан-да, кўп. Улар келажакка дахлдорлик ҳисси билан вояга етишаяпти, ўқишаяпти, меҳнат қилишаяпти, изланаяпти, интилаяпти. Асосийси, Ватан ишончини оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилишаяпти. Демак, биз, умидимиз, ишончимиз бўлган ёш авлодни қанчалик ардоқласак, суясак, ўрни келганда тиргак бўлсак, эртага улар ана шу меҳнату заҳматлар самарасини янада кўпроқ намоён этмоқлари муқаррар. Зотан, бизнинг энг юксак орзуимиз, энг эзгу тилагимиз — баркамол авлод истиқболи.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
журналист

Milliy dastur — amalda

МАКТАБДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТАНТАНАСИ

Шовот тумани Чиғатойқалъа қишлоғидаги 21-мактабдаги ижобий ўзгаришлар оғизга тушди: «Мактабда ташкил этилган бепул репетиторлик курсларида таълим олган ёшларнинг кўпчилиги талабалик бахтига эришганмиш, муассасада яқинда «Баркамол авлод» маркази ташкил этилар экан...»

— Курсларда мактабимиз ўқувчилари ва маҳалламизнинг 50 нафар ўғил-қизи таълим олди, — дейди география фани муаллимаси Марҳабо Душамова. — Натижа қувонарли. Бундай ютуққа эришиш зиммамиздаги масъулиятни икки ҳисса оширади. Чунки янги ўқув йилида эришажак зафарларимиз бу йилгидан кам бўлмаслиги керак.

Мактаб болажонларни янги ўқув йилида қучоқ очиб кутиб олади: бу ердаги озодалик кўзни қувонтиради.

— Муассаса 2008 йилда давлат умуммиллий дастури асосида капитал реконструкция қилинди. 343 млн. сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Спорт зали, 120 ўринли фаоллар зали қурилди. Таъмирлашдан сўнг бу ерга 36 турдаги 11 млн. сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди.

Ўқув даргоҳида 86 нафар кам таъминланган оила фарзандларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Уларни ижара тизимига киритилган дарсликлар билан таъминлашда мактаб боғидан олинадиган даромад ва ҳомийлар кўмаги муҳим манба бўлмоқда.

— Мактабимиз ҳудудидаги маълум сабабларга кўра битмай келаётган 120 ўқувчига мўлжаллаган бинода “Баркамол авлод” маркази ташкил этиш режалаштирилган, — дейди ўқув муассасаси раҳбари Ойимжон Қўлдошева. — Бу ерда мактаб ўқувчилари ва маҳалладаги 1500 нафардан зиёд ёшлар компьютер саводхонлиги курсларига жалб қилинади. Ўқувчилар тикувчилик, каштачилик, гиламдўзлик тўгаракларида ҳам шуғулланишади.

Янги мактабларнинг қад ростлаши, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминланиши, таълим-тарбия жараёнидаги янгиликларни кўриб, буларнинг барчаси ўқитувчи ва ўқувчиларга яратилаётган катта имконият эканлигига яна бир бор амин бўласиз.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
“Ma’rifat” мухбири

КЎРГАЗМА ТААССУРОТЛАРИ



Ўзбекистон Бадиий Академияси, Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ҳамда Бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамкорлигида “Энг улуғ, энг азиз” Республика кўрик-танлови ташкил этилди. Тошкентнинг марказий кўргазмалар зали биносида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган рассомлар ўз асарлари билан қатнашдилар.

Республикамиздаги ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган тадбирда рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, дизайн, фото йўналиши бўйича энг яхши асарлар мутахассислар ва мухлислар томонидан баҳоланди.

Кўргазмадаги “Андижоннома” газетасининг фотомухбири Х.Араббоевнинг ижодий ишларидан намуналар, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси Тошкент вилояти бўлими дизайнери С. Деборг, К.Мамадалиевнинг “Мустақил элимнинг мустаҳкам қўрғонлари” фотосуратлари ҳамда бир қанча ижодкорларнинг ишлари ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.





Шунингдек, залнинг 1-қаватида қорақалпоғистонлик рассомларнинг “Ҳур ўлка ранглари” номли кўргазмаси ҳам намойиш этилмоқда. Унда ўттиздан ортиқ рассомларнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, амалий санъат бўйича асарлари тақдим этилган.

Кўргазмага ташриф буюрган томошабиннинг ҳар бири катта эстетик завқ олиши билан бирга ёш ва профессионал рассомларнинг асарларини таққослаш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Мухлиса МЎМИНОВА

МИЛЛИЙ ФУТБОЛ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Юртбошимизнинг махсус қарорига кўра, Андижон шаҳридаги «Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш» масъулияти чекланган жамияти спорт мажмуаси негизида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилди.

— Аслида бу ғоя давлатимиз раҳбарининг Андижонга ташрифи чоғида спорт мажмуаси билан танишганда туғилган эди, — дейди вилоят футбол федерацияси биринчи вице-президенти Илҳом Устахонов. — Ўшанда Президентимиз биз футбол академияси, дея атаган мажмуани Андижон футбол мактаб-интернатига айлантириш керак, у Ўзбекистон футбол федерацияси ҳомийлигида фаолият юритиши мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрни ўртага ташлади. Мана энди ўша ғоя реал воқеликка айланиб турибди.

Масканда ўқувчиларнинг умумий сони 120 нафарни ташкил этиб, улар 4 йиллик бошланғич таълимни якунлагач, юқори синфларга ҳар йили танлов асосида 24 нафар қобилиятли ўқувчи қабул қилинади. Футбол мактабида таълим муддати 5 йил бўлиб, ўқиш якунлангач, уларга тегишли сертификат берилади. Навбатдаги босқичда эса, Олимпия захиралари коллежларида таҳсил олишга йўлланма берилади.

Мактабнинг асосий вазифаси зарур ҳолларда хорижий мураббийлар ва мутахассисларни таклиф этган ҳолда, футбол соҳасида энг янги илмий-методик тавсиялар асосида ёш футболчиларни тайёрлаш, улар учун ўқув машқ жараёнини юқори даражада ташкил этишдан иборат. Шу билан бирга, футболчиларнинг назарий тайёргарлиги, техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал фазилатларни ривожлантириш, замонавий футболнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда терма жамоамизнинг етакчи аъзолари бўлиб, ўзбек футболининг дунёга юз тутишида ўзларининг муносиб улушини қўшишига ишонамиз.

О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЯНГИ СПОРТ ЗАЛИ ХИЗМАТГА ШАЙ

Нукус шаҳридаги 9-мактабда кўплаб чемпионлар таҳсил олади. Шунга қарамай, ҳозирга қадар бу даргоҳда спорт зали йўқ эди. Мана энди мустақиллик байрами арафасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (БСРЖ) томонидан мактабда спорт залининг фойдаланишга топширилиши янги ўқув йилида ўқувчилар ва мактаб жамоасига муносиб совға бўлди.

— Мактабимизда спорт залининг қурилиши жисмоний тарбия ўқитувчиларининг меҳнатини енгиллаштириш билан бир қаторда, ўқувчиларга кенг имкониятлар эшигини очди, — дейди мактаб директори Муродбой Сарибоев. — Барча шароитларга эга янги зал доимо ўқувчилар билан гавжум бўлишига ишончим комил.


Айтиш зарурки, даргоҳда спортнинг 11 тури бўйича тўгараклар ташкиллаштирилган бўлиб, уларга 432 нафар ўқувчи жалб қилинган. Иккита ювиниш, кийиниш ва алоҳида мураббийлар хонаси ҳамда барча спорт анжомларига эга бўлган зал спорт тўгараклари фаолиятига айни муддао бўлиши, шубҳасиз. Чунки ушбу тўгаракларга қатнашиб, жаҳон, Осиё ва мамлакат миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, ғолиблик шоҳсупаларига чиқаётган ўқувчилар ҳам талайгина.

Бугун мактабда жисмоний тарбиядан 3 нафар аёл-қиз мураббийлик фаолиятини юритмоқда. Енгил атлетика бўйича Галина Колесникова болаларни мусобақаларга тайёрласа, волейбол машғулотларини Гулнора Ўтемуратова олиб боради. Шахмат-шашка бўйича эса ўқувчилар Зулфия Аллаберген овадан сабоқ олишади. Мураббийлар ҳам бугун яратилган янгича шароит туфайли юқори поғоналарга кўтарилиш имконияти борлигидан мамнун.

Жорий йилда ўтказилган Қорақалпоғистон биринчилигида мактаб ўқувчилари енгил атлетика ва қўл тўпи бўйича биринчи, футбол ҳамда шахматдан эса Нукус шаҳрида иккинчи ўринни эгаллади. Эндиликда Республика БСРЖ Ҳомийлик кенгашининг мактабларда спорт залларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш дастури асосида барпо этилган мазкур соғломлаштириш маскани спорт машғулотларини ҳар қандай об-ҳавода ҳам ўтказиш имконини бериши айниқса, қувонарлидир.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

"БАРСА" ЯНА ҚОЗОНГА "ЧЎМИЧ" СОЛАДИ



Куни кеча Франциянинг Монако шаҳрида футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси (ЕЧЛ)нинг 2010-2011 йилги мавсуми учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Миллионлаб ишқибозлар диққатини жалб қилган ушбу маросимда 32та футбол клубидан қатнашган вакиллар ўз жамоаси гуруҳи ва рақибларини билиб олди.

Қизиқарли томони шундаки, мазкур нуфузли биринчиликда қитъанинг айрим гранд жамоаларини кўрмаймиз. Хусусан, Англиянинг "Ливерпуль" клуби икки йилдирки, орзулари рўёбини Европа лигасидан излаш билан кифояланаяпти.

Италиянинг "Ювентус", Испаниянинг "Севилья", Португалиянинг "Порту", Германиянинг "Байер" клуби ҳам бу сафар бахтли жамоалар сирасига киритилмайдиган бўлди. Қолаверса, саралаш баҳсларида кўпинча омади чопадиган Украинанинг Андрей Шевченко бошчилигидаги "Динамо"си, Россиянинг шов-шувли трансферларга қўл ураётган клуби "Зенит" ҳам ЕЧЛда иштирок этмайди.

Қуръа натижасига кўра, **"А" гуруҳи**дан ЕЧЛнинг амалдаги ғолиби "Интер" жой олди, унинг рақиблари қуйидагича: «Вердер» (Германия), «Тоттенхэм» (Англия) ва «Твенте» (Голландия).

"В" гуруҳидан «Лион» (Франция), «Бенфика» (Португалия), «Шальке» (Германия) ҳамда «Хапоэль» (Исроил) клублари ўрин олди. Мазкур гуруҳда кўпчилик асосий фаворит сифатида французларни кўрсатишаяпти. Португалияликлар ва немис футболчилари гуруҳдан чиқиш масаласини ўзаро ҳал қилиб олишади.

"С" гуруҳидан жаҳоннинг энг донгдор клубларидан бири Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси жой олди. Унга «Валенсия» (Испания), «Рейнжерс» (Шотландия) ва «Бурсаспор» (Туркия) клублари рақиб сифатида белгиланди.

Ажабланарлиси шундаки, Испаниянинг "Барселона" клуби ва Қозоннинг «Рубин»и яна битта гуруҳга тушиб қолди. Каталонияликлар бу сафар реванш олишга астойдил интилиши турган гап, бошқа тарафдан қозонликлар ҳам ўтган мавсумдаги ғалаба тасодифий эмаслигини исботлашга уринади. **"D" гуруҳи**да, шунингдек, грекларнинг «Панатинаикос»и ва данияликларнинг «Копенгаген» клублари квартетни тўлдирди.

"Е" гуруҳида ЕЧЛ-2010 финалчиси — Германия чемпиони «Бавария» клуби ҳамда «Рома» (Италия), «Базель» (Швейцария) ва ЧФР (Руминия) ўзаро мусобақалашадиган бўлди. Ушбу гуруҳда немислар ва италияликларнинг имконияти юқори баҳоланяпти, бироқ бу — футбол. У башоратлар билан доимо ҳисоблашавермайди.

ЕЧЛнинг **"F" гуруҳи**дан инглизларнинг сўнгги вақтларда юксак ўйин намойиш этаётган жамоаси — «Челси» ўрин олди. Унга «Марсель» (Франция), «Спартак» (Россия) ҳамда «Жилина» (Словакия) клублари қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилади. Учала жамоа ҳам лондонликлар учун нокулай рақиб саналади.

ЕЧЛнинг "ўлим гуруҳи" дея эътироф этилган **"G" гуруҳи**да Италиянинг «Милан», Испаниянинг «Реал», Голландиянинг «Аякс» ҳамда Франциянинг «Осер» клублари номи ёзилганини кўриб, мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам қалқиб тушгани аниқ. Чиндан ҳам, бу клублар орасида қай бири плей-офф босқичига йўлланма олишини ҳозирдан айтиш мушкул. Бироқ италияликлар билан испанларнинг имконияти баландроқдир.

Ниҳоят, сўнгги **"Н" гуруҳи**дан «Арсенал» (Англия), «Шахтер» (Украина), «Брага» (Португалия) ва «Партизан» (Сербия) клублари ўрин эгаллади.

Гуруҳ босқичидаги дастлабки тўқнашувлар 14 ва 15 сентябрда бўлиб ўтади.


З.ХОЛОВ



АНАНД ФИНАЛДА ЕНГИЛДИ

Ортда қолаётган кунлар спорт оламида кутилмаган лаҳзаларга бой тарзда ўтмоқда. Хусусан, Норвегиянинг Кристиансунд шаҳрида ташкиллаштирилган шахмат матчида дунёнинг ҳозирги кундаги энг донгдор гроссмейстерлари ўзаро рўбарў келишди.

"Arctic Securities Rapid" дея номланган турнирнинг финалида — дунё рейтингида биринчи рақамда кўрсатилган ёш норвегиялик вундеркинд — Магнус Карлсен (1990 йилда туғилган) ўз ватанида сайёрамизнинг энг охирги жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Вишванатан Анандни муҳорабага чорлади.



Магнус курраи заминдаги энг кучли рақибини тезкор шахмат партиясида 1,5:0,5 ҳисобида доғда қолдириб, ўзига хос шов-шувли натижага эришди. Карлсен оқ доначаларда дастлаб ғалабага эришди, қора доначаларда эса дуранг қайд этди.

Учинчи ўрин ҳам норвегиялик Жон Людвигга насиб этди, у венгриялик таниқли гроссмейстер Юдит Полгарни (1,5:0,5) енгди.

СУПЕРКУБОК ИСПАНИЯДА ҚОЛДИ

Дам олиш куни кўҳна қитъада кўплаб футбол ишқибозлари интиқлик билан кутган учрашув бўлиб ўтди. Европа чемпионлар лигасининг 2009-2010 йилги соҳиби Италиянинг "Интер" клуби Европа Лигаси кубоги соҳиби Испаниянинг "Атлетико Мадрид" жамоасига қарши Европа суперкубоги учун баҳслашди.

Мазкур ўйин арафасида аксарият ишқибозлар италияликларнинг ғалаба қозонишига ишонишаётганди. Бинобарин, миланликлар бундан бир мавсум олдин каталонияликлар ўрнатган рекордни такрорлашини ҳам тахмин қилишаётганди.



Аммо Диего Форлан сафдошлари бундай муваффақият кетма-кет такрорланишига йўл қўймади. Франциянинг Монако шаҳрига қарашли «Луи II» ўйингоҳида ғоятда муросасиз ва кескин курашларга бой тарзда ўтган УЕФА суперкубогида 2:0 ҳисоби қайд этилди. Рафаэль Бенитес шогирдлари ҳар қанча уринмасин, мадридликларнинг "ёввойи" қаршилигини енгиб ўтолмади.

МИЛИТО — ЕВРОПАДА ТЕНГСИЗ

УЕФА Европанинг ўтган мавсумдаги "Энг яхши ўйинчиси"ни аниқлади. У Аргентина миллий терма жамоаси ҳамда Италиянинг "Интер" клуби ҳужумчиси Диего Милитодир.

2009-2010 йилги мавсумда Милито жамоаси билан ҳозиргача иштирок этган барча мусобақаларида зафар қучди. Милито бу борада дунёнинг амалдаги энг яхши ўйинчиси бўлмиш ватандоши Лионель Месси ("Барселона") ва Уэйн Рунини ("Манчестер Юнайтед") ортда қолдирди.



Шунингдек, "Интер" аъзоси Жулио Сезар кўҳна қитъанинг ўтган йилдаги "Энг яхши дарвозабон"и деб топилди. Майкон — "Энг яхши ҳимоячи", Уэсли Снейдер "Энг яхши ярим ҳимоячи" бўлди.

Тақдирлаш маросими пайшанба куни Монако шаҳрида бўлиб ўтди.

"WTA"НИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГИ

Куни кеча Аёллар халқаро теннис ассоциацияси (WTA) ортда қолган мавсумнинг энг яхшиларини ва албатта, кучсиз қатлам рўйхатини ҳам эълон қилгани ҳақида ташкилотнинг расмий сайти маълумот тарқатди.

Унга кўра, америкалик юксак иқтидор соҳибаси Серена Уильямс яққол устунлик билан пешқадамга айланди. Унинг ҳисобида 7895 очко бор. Айтиш жоизки, жорий йилда жуда ҳам фаол иштироки билан ажралиб турган теннисчини йил сўнгига қадар қувиб ўтадиган теннисчи топилмаса керак.



Боиси номи иккинчи поғонада кўрсатилган даниялик Каролин Возняцки 6410 балл тўплаган. Учинчи ўринда эса бельгиялик Ким Клейстерс кўрсатилди, у 5325 очко жамғарган.

Ш.ЖЎРАЕВА тайёрлади.

“MATBUOT TARQATUVCHI” aksiyadorlik kompaniyasi

Барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами билан муборакбод этади! Ушбу қувончли кунларда ҳамюртларимизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилаймиз!





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ.

Хизмат сифати кафолатланади.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-822.
Tiraji 27881.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
(M) *belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 01.15
ЎзА якуни — 00.15